

Ф.Хўжаев, А.Куватов

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИЛҒОР
ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
ҚЎЛЛАШ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎРТА МАХСУС, КАСБ - ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС,
КАСБ - ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ғ.Хўжаев А.Куватов

**ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИЛҒОР
ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
ҚЎЛЛАШ**

(ўқитувчилар учун қўлланма)

*Самарқанд вилояти ҳокимлиги
ўрта махсус, касб - ҳунар
таълими бошқармасининг услубий
кенгаши томонидан тавсия
этилган.*

Самарқанд - 2004

681

X-98

Муаллифлар: Самарқанд қишлоқ хўжалик институти
қошидаги лицей - интернатнинг ўқув ишлари бўйича директор
ўринбосари, ф-м ф.н. Ф. Хўжаев ва Самарқанд давлат
университети қошидаги Академик лицей табиий фанлар
кафедраси филиалининг муdiri, кимё факультетининг доценти
ф-м. ф.н. А. Қуватов.

SamQXI Axburoi
resurs markazi
2
Iyul 19343747

W

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, таълим давлат сиёсатида марказий ўринлардан бирини эгаллади. Бу эса «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қонунларининг яратилишига асос бўлди. Натижада таълим жараёнида илғор педагогик технологияларни қўллаш зарурати вужудга келди. Олий Мажлиснинг 19 - сессиясида (1997 й) Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов «Янги дарсликларни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва жорий этишни таъминлашни алоҳида назорат остига олиш зарур»лигини уқтирган эди.

Хўш, педагогик технологиялар «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да долзарб тадқиқот объекти даражасига кўтарилган ва ижтимоий буюртма сифатида юзага қалқиб чиққан бўлса, унинг бажарилиши қандай аҳволда? «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг биринчи босқичи яқунлари таҳлил қилинганда, бу борада қатор ишлар қилингани билан бир қаторда, илғор педагогик технологияларни амалиётга татбиқ этишда сустанликка йўл қўйилаётгани, ўқитувчиларнинг ушбу соҳадаги билимлари етарли эмаслиги ҳам маълум бўлди.

Таълим тизими олдида ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлашдан иборат янги ижтимоий буюртманинг қўйилгани, таълим - тарбия мақсадини умумий ҳолда белгилаб берди. «Янги мақсад» эса ўз навбатида таълим тизимини қолган элементларини янгилаш зарурлигини келтириб чиқаради.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» таълим - тарбия мақсадини бутунлай янгиледи, унда пировард натижа: «ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва саркитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашдан иборат» деб белгиланди.

Иккинчидан, фаннинг турли соҳаларини узлуксиз ривожланиши, янги факт - далилларнинг ниҳоятда кўпайиб кетаётганлиги, изланишларнинг янги услубияти ва йўлларининг пайдо бўлиши, билим миқдорининг доимий ошишига олиб келмоқда ҳамда ахборотнинг кескин кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Ахборотнинг кескин ўсиши ўз навбатида ҳозирги замон таълим услубиятининг олдига жуда катта қийинчилик ва муаммолар қўяди. Талабани ҳозирги замон билимлари билан таништириш ва у, уларни ўзлаштириши учун нима қилмоқ ва қандай педагогик технологияларни қўллаш керак? Анъанавий педагогик технологиялардан фойдаланиш тескари натижаларга олиб келиши 1998 йилда очилган биринчи 15 та академик лицейлар битирувчиларининг 2001 йилда олий ўқув юртларига кириш даражаси кутилганидан анча паст бўлганида (45% атрофида) ўз аксини топди.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг иккинчи босқичида энг асосий вазифа қилиб, таълим мазмунининг сифатини ошириш қўйилгани илғор педагогик технологияларни қўллаш, таълим ва тарбия инновацион* жараёнларни амалга ошириш муаммосини ҳал этиш заруриятини янада оширмоқда. Таълим тизимини ислоҳ қилишга давлат сиёсатининг устивор йўналиши сифатида қаралмоқда, таълимнинг давлат стандартлари ишлаб чиқиб, ҳукуматимиз томонидан тасдиқланди ва таълим - тарбия жараёнига қадам - бақадам жорий этилаёпти. Иккинчи томондан, бирмунча мураккаблаштирилган, юқори савияга, жаҳон талабларига мос фанлар стандартларини амалга оширишга ҳамма ўқитувчиларимиз ҳам тайёрми? Мана шу муаммони бартараф этиш ўқитувчиларнинг илмий услубий салоҳиятини, касбий малакасини доимий равишда оширишга ҳам боғлиқдир.

Педагогик технологиялар муаммосига бағишланган назарий ва амалий тадқиқотлар турли анжуманларда, вақтли матбуот ва илмий - услубий журналларнинг мақолаларида, рисола ва қўлланмаларда ўз аксини топаётгани қувончлидир. Кейинги йилларда бу соҳага бағишланган илмий ишлардан Беспалько В.П. [11], Кларин М.В. [13], Селевко Г.К. [14], Полат Е.С. [15], Монахов В.М. [17], Роберт Б. Л. [20], Фарберман Б.Л. [22], Юдин В.В. [23], Саидахмедов Н. С. [5], Нишоналиев У. [6] ларни кўрсатса бўлади.

Мазкур қўлланмада педагогик технологиялар ва уларни таълим жараёнида қўллаш бўйича академик лицей, касб - ҳунар коллежлари ўқитувчилари учун зарур ахборот беришга интилдик.

I. Педагогик технологиялар тизими.

1.1. Педагогик технология тушунчаси.

Фаннинг турли соҳаларини узлуксиз ривожланиши, янги ахборотларнинг ниҳоятда тез кўпайиши ҳозирги замон таълим услубияти олдида жуда катта қийинчилик ва муаммолар қўйди. Талабани ҳозирги замон билимлари билан таништириш ва уларни яхши ўзлаштириш учун нима ишлар қилмоқ керак? Бу долзарб муаммо олдида бутун дунё педагог олимлари бош қотирмоқда. Бу муаммони ҳал этиш педагогик технологияларни жорий этиш билан боғлиқ.

«Технология» юнунча сўз бўлиб, «*techne*» - маҳорат, санъат ва «*logos*» -тушунча, ўрганиш демакдир. Демак, технология - хунар, санъат маъносини англатади ва жараёнларни амалга ошириш усуллари ҳамда воситалари ҳақидаги билимлар йиғиндиси, шунингдек, объектда содир бўладиган сифат ўзгаришлар тушунилади.

Педагогик технология тушунчасига берилган таърифлар хилма - хил бўлиб [6, 11, 12] уларнинг айримлари билан таништирамиз.

-Педагогик технология - бу, таълим шаклларини оптималлаштириш мақсадида техник воситалар, инсон салоҳияти ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини инobatга олиб ўқитиш ва билим ўзлаштиришнинг барча жараёнларини аниқлаш, яратиш ва қўллашнинг тизимли усулидир (ЮНЕСКО).⁴

- Педагогик технология - бу, ўқитувчи амалiyетга жорий этиши мумкин бўлган педагогик тизим лойихасидир (В.П. Беспалько).

- Педагогик технология, педагогик мақсадларнинг рўйбаги чиқиши учун фойдаланиладиган шахсий, ускунавий воситаларнинг тизими мажмуасини ва фаолият кўрсатиш тартибини билдиради (М.В.Кларин).

- Педагогик технология - таълимда режалаштирилган мақсадларга эришиш жараёнининг тавсифидир (И.П.Волков).

Педагогик технология тушунчасига берилган таърифлар тахлили, унинг умумий тузилиши ва сифат белгилари ҳақида педагогика фанлари доктори Н.С. Саидахмедов «Маърифат»

⁴ инновация* - янгилик

газетасида [1998 йил, 24 июнь сонисида] фикр юритиб қуйидаги таърифни берган.

«Педагогик технология - бу, ўқитувчининг таълим - тарбия воситалари ёрдамида ўқувчиларга муайян шароитда ва маълум кетма - кетликда таъсир кўрсатиши ва акс таъсир маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини жадал шакллантириш жараёнидир». Юқорида кўрсатилган фикрларни умумлаштирган ҳолда педагогик технология мазмуни, ўқитувчининг педагогик фаолиятида энг замонавий ўқитиш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқитиш самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг билим олиш сифатини яхшилаш, талаб этилган билим даражасига эришиш учун таълим жараёнини олдиндан лойихалаштиришдан иборат деб айтиш мумкин. Педагогик технологиянинг марказий муаммоси ўқувчи шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлашдан иборат.

Педагогик технологиянинг тамойилларига қуйидагилар қиради: таълим мақсадининг аниқ қўйилганлиги, таълимнинг маҳсулдорлиги, тесқари алоқанинг мавжудлиги, қафолагланган якуний натижа. Педагогик технологиянинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда ўқув мақсадларига қафолатли эришиш учун ўқув жараёни лойихалаштирилади ва амалга оширилади. Таълим жараёнида ўқув мақсадларига қатъий йўналтирилган ҳаракат қилиш, бутун ўқитиш давомида қафолатли натижаларга эришиш, кундалик натижаларга баҳо бериш, қўйилган мақсадларга эришиш учун ўқитишни такомиллаштириш, натижаларга якунловчи баҳо бериш керак.

Ҳозирги кунда ўқитувчилар кўп ҳолларда услубиятни технологиядан ажрата олмаётдилар. Шу боисдан, бу тушунчалардаги фарқларни кўрсатишга тўғри келади. Услубият (методика) ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар мажмуасидан иборат. Педагогик технология эса, олдиндан белгилаб қўйилган аниқ мақсад йўлида ўқитувчининг касбий фаолиятини янгиловчи, таълимда якуний натижани қафолатлайдиган тадбирлар йиғиндисидир.

Педагогик технология тушунчаси уч жиҳати билан кўрсатилиши мумкин [14].

- илмий: педагогик технологиялар - таълим жараёнини лойихалаштири-рувчи, унинг мақсадлари, мазмуни ва ўқитиш усулларини ўрганувчи ҳамда ишлаб чиқувчи педагогика фанининг таркибий қисмидир;

- жараёнли – тавсифий: жараёнлар тавсифи (алгоритми), лойихалаш-тирилган таълим натижаларига эришиш учун ўқув мақсадлари, мазмуни, усули ва воситалари мажмуаси;

- жараёнли – амалий: педагогик технология жараёнини амалга ошириш, бутун шахсий, ускуна ва услубият воситаларининг фаолият кўрсатишидир;

Ўқув амалиётида педагогик технология тушунчаси қуйидаги уч даражага бўлинади:

1) умумпедагогик технология - таълим тизимининг аник қисми, ўқув юрти, таълим босқичининг маълум даври учун таълим жараёнини тавсифлайди;

2) хусусий предметли (услубий) даража - бир фан, синф, ўқитувчи доирасида ўқитиш мазмуни ва таълим - тарбияни амалга оширишга хизмат қиладиган усул ва воситалар мажмуаси;

3) локал (модулли) даража – ўқув - тарбия жараёни қисмларининг технологияси (фаолият турлари технологияси, дарс технологияси, янги тушунчаларни ҳосил қилиш, такрорлаш, назорат қилиш технологияси, тарбия турлари технологияси ва ҳ.).

1.2. Педагогик технологиялар таснифи

Ўқув юртлари фаолиятида ва педагогика фанида ҳозирги пайтда педагогик технологияларнинг хилма - хил воситалари мавжуд. Ҳар бир ўқитувчи педагогик жараёнга ўзининг тажрибаси, маҳорати, билимига яраша қандайдир инновацияларни олиб қиради. Шундай бўлишига қарамай, педагогик технологияларни айрим жиҳатлари (белгилари) бўйича қуйидаги синфларга бўлиш мумкин [14].

1-жадвал. Педагогик технологияларнинг турлари.

№	Белгилари	Педагогик технологиялар
1	Қўллаш даражасига кўра	Умумпедагогик, хусусий (фан), чекланган (модул) технологиялар
2	Фалсафий асосга кўра	Материалистик ва идеалистик, диалектик ва метафизик, илмий ва диний, гуманистик ва антигуманистик, антропософик ва теософик, прагматик ва

		экзистенциалистик, эркин ва мажбурий тарбия технологияси;
3	Рухий ривожланишнинг етакчи факторига кўра	Биоген, социоген, психоген ва идеалистик технологиялар;
4	Илмий концепцияга кўра	Ассоциатив - рефлектор, биохвиористик, гештальт, суггестив, нейролингвистик ва ривожлантирувчи технологиялар;
5	Шахсга йўналганлиги бўйича	Информацион (билим, малака, кўникмаларни шакллантириш), ўзини - ўзи ривожлантириш (шахсни ўзини - ўзи бошқариш механизмларини шакллантириш), эвристик (ижодий) қобилиятларни ривожлантириш ва амалий малака, кўникмаларни шакллантириш технологиялари
6	Мазмун ва тузилишига кўра	Таълим ва тарбия берувчи, дунёвий ва диний, умумтаълим ва хусусий фанлар технологияси, гуманитар ва технократик, моно ва комплекс технологиялар
7	Ақлий фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришга кўра	Очик (назоратсиз ва зарур ўзгартиришлар киритилмайдиган), циклик, тарқоқ (фронтал) ёки йўналтирилган (индивидуал), оддий ёки автоматлаштирилган технологиялар;
8	Ўқитувчининг ўқувчига муносабатига кўра	Авторитар, шахсга йўналтирилган (антропоцентриқ), инсонпарварлик, ҳамкорлик, эркин тарбия технологиялари;
9	Ўқувчилар категориясига кўра	Умумий мактаб, чуқурлаштирилган таълим (гимназия, лицей, коллеж), турли бузилишларни тўғриловчи технологиялар;
10	Ташкилий шакллари бўйича	Индивидуал*, гуруҳли, академик (лицей, коллеж, бакалавр, магистр), синф - дарс технологияси


		мукобиллаштирилган (дифференциал), анъанавий ва ноанъанавий таълим технологиялари;
11	Устивор усулларга кўра	Репродуктив** ўқитиш, дастурли ўқитиш, тушунтириш (кўرғазмалик асосида), ривожлантирувчи, муаммоли, ахборотли (компьютерлашган) ўқитиш, ўз - ўзини ривожлантирувчи, ўйинлар, ижодий изланиш технологияси;

Педагогик технологиялар ўз моҳиятига кўра педагогик системаларнинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун, педагогик технологияларни педагогик системалар масаласи билан биргаликда таҳлил қилиш мумкин.

Педагогик система таркибига қуйидаги бир - бири билан боғлиқ қисмлар киради:

1) таълим ва тарбия мақсадлари; 2) ўқувчилар, уларнинг шахсий хусусиятлари; 3) ўқитувчилар ёки таълимни олиб боровчи компьютерлашган техник воситалар; 4) таълим ва тарбия мазмуни; 5) педагогик фаолиятнинг ташкилий шакллари; 6) қўйилган мақсадларни амалга оширувчи дидактик жараёнлар.

Педагогик системадаги функционал боғланишлар қуйидаги 1-расмда кўрсатилган.



1-расм. Педагогик системадаги функционал боғланишлар

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мувофиқ таълим мазмунини ислоҳ қилиш кадрлар сифатини,

республикада амалга оширилатган иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар талабларига, таълим, фан, техника ва технологиялар ривожланишининг жаҳон даражасига мослигини таъминлаш ижтимоий буюртма сифатида қабул қилинган. Ушбу буюртмани локал[†] эмас балки, системали бажариш ҳозирги даврнинг асосий вазифаси бўлиб қолмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг биринчи босқичида педагогик системанинг элементларини ўзгартиришда локал ёндашишлар рўй бериб, таълим тарбия мазмуни, дидактик жараёнлар ва уларнинг ташкилий шакллариغا етарли эътибор берилмаганлиги, қатор камчиликлар ва хатолар пайдо бўлишига олиб келди.

Ижтимоий буюртма асосида педагогик системанинг бир элементи ўзгартирилиши билан бошқа элементлари эскича қолса, зиддият пайдо бўлади. Натижада система ишламайди ёки янги, ўзгартирилган элемент системадан чиқиб кетади, ва у аввалги ҳолатга келиб қолади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг биринчи босқичига назар ташласак, педагогик системага локал ёндашишлардан бири, баҳолашнинг рейтинг тизимини мағлубият билан тугаганини кўрсатиш мумкин.


Таълим жараёни тарихида педагогик системаларда, локал ўзгаришлар киритишда муваффақиятсизликлар билан тугаган мисоллардан «дастурлаштирилган таълим», «муаммоли таълим» каби ғояларни ҳам эсга олиш мумкин. Нега анъанавий педагогик система шунчалик турғунликка эга? Нима учун, янги педагогик ғояларнинг амалга ошиши қийин кечмоқда? Ушбу саволларга жавоб бериш учун дастурлашган таълим тизимини амалиётга киритишдаги хатоларни кўриб ўтайлик. Дастурлашган таълим – педагогик системанинг 6 - элементи (дидактик жараён) ни ўзгартиришдан иборат (1-расмга қаранг).

Ушбу элементнинг ўзгариши 1, 3 ва 5 элементларни ўзгаришига олиб келиши керак эди. Бу ўзгариш, таълим тарбия мақсадлари аниқ кўйилишини, улар «ташхисланувчан» ҳолда бўлишини тақозо этади. Ташхисланувчи деганда ўқувчиларда шаклланаётган маълум сифат ёки хусусиятларни ўлчаш ва баҳолаш тушунилади [Н.Сайидахмедов]. Таълимнинг ташкилий шакллари (5-элемент) дарс-синф шаклига нисбатан эркинроқ ва мосланувчан бўлиши, ўқитувчилар савияси (3-элемент) –

Локал* - чекланган

анъанавий тизимдагига нисбатан анча юқори бўлиши керак. Маълум даражадаги ўзгартиришлар 2-элементга ҳам киритилиши зарур (ўқувчилар мустақил билим олишга яхшироқ тайёрланиши керак), таълим мазмуни (4-элемент) ҳам аниқ белгиланган бўлиши лозим. Ушбу ўзаро боғлиқ элементлардаги ўзгаришлар амалга оширилмагани ва ўша даврдаги моддий-техник базанинг етарли бўлмагани туфайли «Дастурлашган таълим» ғояси амалга ошмади.

Таълим – тарбия жараёнининг самарали бўлишини таъминлаш, уни янада юқори босқичга кўтариш, бугунги кунда ўқитувчидан таълим жараёнининг боришини қайта – қайта таҳлил қилишни талаб қилади. Таълим жараёнида кўп йиллар давомида қўлланилаётган анъанавий таълим технологияси куйидаги схема бўйича тузилган эди:



2-расм. Анъанавий таълим технологиясининг схемаси.

Бу схема бўйича таълим жараёнида дарсни ташкил қилиш унинг давомийлигини таъминлаш, босқичларига амал қилиш, ўқувчи олган билимларни ўзлаштиришнинг ягона воситаси ҳисобланади. Анъанавий таълим технологияси сўраш, тушунтириш, мустақамлаш, баҳолаш тартибидангина иборат ва уни амалга оширишда ўқитувчининг педагогик маҳорати ёрдамга келади. Ўқитувчининг услуби таълим технологиясига мос тушмайди, яъни таълим олиш технологияси жараёнида ўқувчи асосий объект бўлса, методик хизмат соҳасида ўқитувчи асосий объект ҳисобланади. Дарсда ўқитувчи бош фигура. Ўқитувчи ахборот бериш, тезроқ ва кўпроқ ўқитиш билан овора, лекин, ўқувчиларнинг янгиликларни қабул қилиш даражалари ҳар хил, хоҳиш – истаклари турлича, улар пассив эшитувчи, кулоқ солувчи, бу ҳолат уларнинг ўқув жараёнидаги маъсулиятини, жавобгарлик ҳиссини сусайтиради. Демак, улар мустақил фикр юритиш, мулоҳаза қилиш, хулоса чиқаришдан йироқ. Дарс жараёнида - таълим – тарбияда ўқувчи асосий ҳаракатлантирувчи куч, таълим жараёни субъекти бўлиши яъни ўқиш, ўрганиш, мутолаа қилиш ўқувчи зиммасига ўтиши керак. Ўқитувчи эса, ўқитишдан ўқишни ўргатишга, билим беришдан

ўқувчиларнинг билимларни мустақил эгаллашларига кўмаклашиши зарур.

Педагогик технологиянинг марказий муаммоси ўқувчи шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлашдан иборат.

Мақсадга йўналтирилганлик, жараён натижаларини ташхисли текшириш, таълимни алоҳида ўргатувчи қисмларга бўлиб ташлаш ўқув жараёнининг қирраларини бугунги кунда таълимни қайта ишлаб чиқиш ғоясига бирлаштириш имконини беради. У асосан қуйидагиларни ўз ичига олади:

* Таълимда умумий мақсаднинг қўйилиши;

* Тузилган умумий мақсаддан аниқ ўқув мақсадларига ўтиш;

* Ўқувчиларнинг билим даражаларини бошланғич (ташхисли) баҳолаш;

* Бажариладиган ўқув ишлари мажмуаси;

* Натижани баҳолаш;

Педагогик технология асосида ўқув жараёнини ташкилий тузилиши қуйидаги схема асосида берилиши мумкин.



3-расм. Ўқув жараёни ташкилий тузилишининг чизмаси.

Таълимнинг умумий мақсадлари жамият (давлат) томонидан умумий кўринишда бериледи. Фан бўйича берилган ўқув дастурларида ва Давлат таълим стандартларида ўқув – тарбия мақсадлари маълум даражада аниқлаштирилади. Жамиятнинг умумий талабларидан таълимнинг фанлар бўйича ўқув мақсадлари, унинг тематик ва хусусий мақсадларига ўтиш керак.

Мақсаднинг турли дидактик функцияларидан энг асосийси – тизимнинг тузувчиллигидир. Ўқув – тарбия жараёни бу яхлит жараён бўлиб, унда бош мақсад, бошқа ташкилий тузилмаларни бирлаштирувчи, асосий тузилма сифатида намоён бўлади.

Шу билан бирга, мақсаднинг яна бир функцияси – бошқарувчанлик функцияси муҳим аҳамиятга эга. Мақсад ўқув – тарбия жараёнини ташкил этишда ҳамма восита ва усулларни танлашнинг асосий мезони сифатида чиқади. Аниқ ифодаланган мақсад талабаларнинг ўқув фаолиятини бошқариш, таълим самарадорлигини ошириш, натижалар сифатини юқори даражага кўтариш имконини беради.

Мақсаднинг шахсий қизиқиш ва тарбиявий функциялари талабага ушбу аниқ ҳаракатни нима учун бажариш кераклиги, ушбу аниқ вазифани бажариши унинг ўқиш ва келажак иши учун қандай аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиши керак. Бошқача қилиб айтганда, мақсаднинг қўйилиши талабада, нафақат қизиқишни балки унга эришиш учун онгли хоҳишни ҳосил қилиши керак.

Таълим жараёнида ўқитувчига турли педагогик муаммоларни ҳал этишга тўғри келади: машғулотнинг мазмунини аниқлаш, у ёки бу усул, воситаларни танлаш, талабаларга турли вазифалар бериш, уларнинг ҳатти – ҳаракатини йўналиштириш, саволларга жавоб бериш. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчи томонидан таълим - тарбия мақсадини, ушбу машғулот мақсадини қандай тасаввур этаётганига жуда боғлиқдир. Айтиш мумкинки, ҳар бир дарсда таълим мақсадини фан ёки маърузалар бўйича аниқ ўргатиш учун у «ташхисланувчан» ҳолда бўлиши керак. Ташхисланувчи деганда талабаларда шаклланаётган маълум сифат ёки хусусиятларни ўлчаш ва баҳолаш тушунилади. Мақсад ташхисланувчан тарзда қўйилиши учун қуйидаги шартлар бажарилиши зарур:

- 1) шаклланаётган билим, кўникма ва шахс сифатлари керакли даражада аниқ ва равшан ифода этилиши, тавсифланиши керак;
- 2) ўқувчи шахсидаги аввалдан таърифланган сифатларнинг шаклланаётганлигини аниқлаб оладиган усул ёки «восита» мавжуд бўлса ва ўлчаш амалга оширилса;
- 3) ўлчаш натижаларига таяна оладиган сифатларни баҳолаш мезони мавжуд бўлса.

Фан мавзулари бўйича ўқитишнинг ташхисланувчан мақсадларини қўйишнинг бир томони, тайёрланаётган бўлажак мутахассис учун яқин 3 - 5 йил ичида қўйилаётган талаблар мажмуаси (Давлат таълим стандартларида кўрсатилади) аниқ тасаввур қилиниши, зарур билим ва кўникмалар таркибини аниқ ифодалаши керак.

Таълим мақсадларини қўйишнинг иккинчи томони, ўқувчиларнинг билимларини ўзлаштириш даражасига қараб аниқлашдан иборат. У ёки бу технологияни танлаш, режалаштирилган дарсда қайси даражадаги билим ва кўникмаларни ўзлаштириш кўзда тутилганлигига боғлиқдир. Педагогик технология доирасида янги ўқув материални ўзлаштиришнинг бошланғич (репродуктив), алгоритмик (реконструктив), эвристик ва ижодий характердаги даражалари мавжуд [5, 6, 7].

I. Бошланғич характердаги (репродуктив) даража - ўқувчининг эшитганлари уларга берилган намуналар, кўрсатмалар алгоритм асосида топшириқларни бажариш кўникмасини ифодалайди.

II. Алгоритмик характердаги (реконструктив*) даража - билим ва кўникмалар мазмунини татбиқ қила олиш маҳорати, берилган алгоритм бўйича топшириқларни мустақил бажариш кўникмасини ифодалайди.

III. Эвристик характердаги даража - берилган ўқув масалаларини ечиш учун олдин ўрганилган алгоритмларни таҳлил қилиш ва уларга ўзгаришлар киритиш асосида янги алгоритмлар тузиш, ўқув муаммосини ҳал этиш учун янги ахборотларни мустақил тарзда излаб топиш малакасини аниқлайди.

IV. Ижодий характердаги даража - аввал ўрганилган алгоритмлардан бугунлай фарқ қилувчи, сифат жиҳатидан янги алгоритмлар туза олиш малакаси билан характерланади.

Бошланғич ва алгоритмик характердаги даражалар ўқув материални эса сақлаб қолишни, стандарт масалаларни еча олиш кўникмасига эга бўлишни талаб қилгани учун, ушбу даражадаги педагогик технологияни ижрочи технология деб аташ мумкин. Бундай технология асосида таълим жараёнини ташкил этганда ўқувчилар ўқув материални рефератлаштириш, маърузалар билан чиқиш, мунозараларда ва амалий ўйинларда иштирок этиш орқали ўрганишлари лозим.

Ўқув фаолияти эвристик хусусиятга эга бўлганда юқори даражадаги муаммоли, муаммоли - ривожлантирувчи таълим усули, вазиятларни таҳлил қилувчи топшириқлар, ишчан ўйинлар, мустақил ишлар, муаммоли топшириқлардан

Реконструктив* - қайта тиклаш.

фойдаланиш зарур. Бу даражанинг педагогик технологияси эвристик технология деб аталади ва у таълимда якуний натижани кафолатлайдиган тадбирлар йиғиндисидир.

1.3. Янги педагогик технологиялар тизими

Кейинги пайтда педагогик технологияга «янги» (ёки «илғор») сўзини қўшиб ишлатилиши назариётчи олимлар ва ўқитувчиларни анча ўйлантириб қўйди. Улар эндиликда таълим-тарбия жараёнини лойihalаштиришга эскича ёндашиш мумкин эмаслигини англашга ҳаракат қилмоқдалар. Шундай экан «янги (илғор) педагогик технология» нимани англатади.

Биринчидан, педагогик технология жамиятнинг, давлатнинг шахсни ривожлантириш бўйича мақсадини амалга ошириш учун лойihalанади ва шунга мос ҳолда маълум педагогик тизим асосида амалга оширилади. Бу тизимга узлуксиз равишда ижтимоий буюртма ўз таъсирини ўтказди ва таълим тарбия мақсадини умумий ҳолда белгилаб беради. «Янги мақсад» эса педагогик тизимнинг қолган элементларини ўз навбатида янгилаш заруриятини келтириб чиқаради. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» таълим - тарбия мақсадини бутунлай янгиледи, унда пировард натижа: «ўтмишдан қолган мафқуравий кураш ва сарқитлардан тўла холос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашдан иборат» деб белгиланди.

Иккинчидан, фаннинг турли соҳаларини ривожланиши, факт - далилларнинг ниҳоятда кўпайиб кетаётганлиги, изланишларнинг янги услубияти ва йўлларининг пайдо бўлиши билан миқдорининг узлуксиз ошишига олиб келмоқда ва ахборотнинг кескин кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Ахборотнинг кескин ўсиши ўз навбатида ҳозирга замон таълим улубияти олдига жуда катта қийинчилик ва муаммолар қўяди. Талабани ҳозирга замон билимлари билан таништириш ва уларни яхши ўзлаштириш учун нима қилмоқ, қандай педагогик технологияни қўллаш керак? Анъанавий педагогик технологиялардан фойдаланиш тескари натижаларга олиб келишини 1998 йилда очилган академик лицейлар битирувчиларининг 2001 йилда олий ўқув юртларига кириш даражаси кутилганидан анча паст бўлганида (45% атрофида) ўз аксини топди. Боиси шундаки, анъанавий педагогик

технологияларда ўқитишга асосий эътибор берилиб, ўқув жараёнининг марказига ўқитувчи қўйилган, ўқувчи эса педагогик жараённинг объекти сифатида иштирок этган.

Хозирги даврда дунёнинг деярли ҳамма тараққий этган давлатларида таълим соҳасида ўқувчи (талаба) ўқув жараёнининг марказида туриши кераклиги; анъанавий ўқув услубиятидагидай ўқитишга эмас, балки билимни эгаллаш жараёнига кўпроқ аҳамият бериш зарурлиги эътироф этилмоқда. Бугун Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти куриш йўлидан бораётгани учун кадрлар тайёрлаш тизими тубдан ислоҳ қилинди, давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати устиворлиги қарор топмоқда. Шу боис, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ўқувчи (талаба) таълим жараёнининг субъекти бўлиши кераклиги белгилаб қўйилди. Бу эса, педагогик муносабатларнинг инсонпарварлашуви ва демократлашувига асосланган технологиялардан фойдаланишни тақозо этади.

Инсон фаолияти чегараси ниҳоятда кенгайиб борапти, ўқув юртлирига ўқитиш имкониятлари катта бўлган янги ахборот технологиялари кириб келмоқда. Рўй бераётган сифат ўзгаришлари шундан далолат берадики, эндиликда ўқув жараёни анъанавий усуллар ва ўқитиш воситалари қолипига сиғмай, янги педагогик технологияларни талаб қилмоқда.

Янги педагогик технологияларнинг моҳияти ўқитиш мақсадларини аниқ белгилаш, бу мақсадларга кафолатли эришиш учун ўқув жараёнини рационал тузишдан иборат. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга оширишнинг иккинчи босқичида асосий вазифалардан бири, таълим мазмунини яхшилаш ва ҳозирги замон андозаларига мос келадиган кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш учун, таълим тизимида қатор сифат ўзгаришларига эришиш лозим. Бу ўзгаришлар асосан дарс жараёнининг икки асосий шахси яъни ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги муносабатларга боғлиқ. Қуйидаги 2-жадвалда ноанъанавий ва анъанавий таълим тизимлари фарқларини келтирамыз:

2-жадвал. Ноанъанавий ва анъанавий таълим тизимлари орасидаги фарқлар.

Анъанавий таълим		Ноанъанавий таълим	
Ўқитувчи	Ўқувчи	Ўқитувчи	Ўқувчи

1. таълим субъекти, ахборот берувчи	Таълим объекти, ахборот олувчи	Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этувчи	Таълим субъекти. Ўқитувчи ёрдамида ўзи билимини эгаллайди
2. Бугун дарс давомида	Одатда, пассив энг мухими фактларни ёллаш	Билиш жараёнини, ўқувчиларнинг мустақил фаолиятини ташкил этади, йўналтиради	Фаол фикрлаш жараёнига кўшилади.
3. Авторитар муносабатлар устун бўлади	Мосланувчан муносабат.	Хамкорлик, кооперация асосидаги демократик муносабатлар устунрок бўлади	Педагогик жараённинг фаол иштирокчиси сифатида ўзини ўзи топади
4. таълим жараёни ва унинг натижаларига жавобгар	Таълим натижаларига шахсий жавобгарликни кам тушунади.	Ўқувчилар билан бирга таълим натижаларига жавобгар	Ўзининг ривожланиши тараққиёти учун ўқув жараёни натижаларининг муҳимлигини тушунган тарзда жавобгарликка кўшилади.
5. ташқи кизиқтириш асосий ролни ўйнайди	Ўқишга кизиқиш паст (1-синфда 3% дан 9-синфда 60% гача)	Мотивацион* ўқиш таъминланади	Ички мотивациялар устун туради
6. ахборот усуллари ҳукмрон	Мавзунини репродуктив такрорлаш билан чекланади	Мустақил иш, ақлий ҳужум усуллари устунрок	Ўхшаш ва ўзгарган вазиятларда билимларни қўллаган ҳолда,

SamQand Axborot

resurs markazi 17

№ 343747

			тадқиқот ишларини олиб боради.
7. Ўзини-ўзи таҳлил этишга баҳолашга эътибор кам	Ўзининг ақлий фаолиятини таҳлил этмайди	Ўқувчилар билиш фаолияти устидан рефлексив ⁸ бошқаришни ўткази	Фикрлаш фаолиятини ўзи таҳлил этишга ва баҳолашга кўшилади

Анъанавий таълим жараёнининг қайси томонини ўзгартиришга қараб янги педагогик технологияларни қуйидаги турларга бўламиз;

1. Дарсда ўқувчиларни фаоллаштиришга асосланган педагогик технологиялар: ўйинлар технологияси, муаммоли ўқитиш, таянч белгиларга асосланган ўқитиш ва хокозо.

2. Таълим жараёнини самаралироқ ташкил этишга асосланган педагогик технологиялар: дастурлашган ўқитиш, дифференциал ўқитиш, яккама - якка ўқитиш, кичик гуруҳларда ўқитиш, компьютер технологиялари ва хокозо.

3. Педагогик муносабатларнинг инсонпарварлашуви ва демократлашувига асосланган педагогик технологиялар; адаптив* таълим, ҳамкорликда ўқиш технологиялари ва хокозо.

4. Ўқув мазмунини услубий ўзгартиришларга асосланган педагогик технологиялар; модулли ўқитиш, дидактик қисмларни кенгайтириш орқали ўқитиш, интегратив** ўқитиш ва хокозо.

Янги педагогик технологияларнинг таълим жараёнига кириб келиши педагогикада инқилобий ўзгаришларга олиб келади деган фикрдан йироқмиз. Бизнинг фикримизча, гап, фақат эволюцион жараён, бугунги куннинг эҳтиёжларини ҳисобга оладиган ўзгаришлар ҳақида кетиши мумкин.

Мотивация* - шахий қизиқиш.

Рефлексия** - ўз руҳий ҳолати ҳақида ўйлаш, хаёл суриш, фикр юргизиш, уни таҳлил қилишга мойиллик.

Адаптив* таълим – шахсий хусусиятларини ҳисобга олувчи мослашувчан таълим.

Интегратив** ўқитиш – фанларни яхлит ҳолда ўқитиш

Янги педагогик технологияларни тузишда ва қўллашда анъанавий таълим ва тарбия усулларидан нималарни олиш мумкин? «Янгисини курмасдан эскисини бузма» деган халқ мақоли таълим тизимига ҳам бевосита тааллуқлидир. Унга кўра, ўқувчилар билан бевосита алоқа, оғзаки сўров, ёзма ишлар олиш, иншо, мустақил ишлар, мўталаа (шеър, монологларни оғзаки баён этиш), уй ишлари каби усуллар албатта қолади.

Шу билан бирга, давлат таълим стандартларини янги дастурлар асосида амалга оширишда юқорида кўрсатилган анъанавий усулларнинг ўзи етарли бўлмай қолди. Хозирги кунда дарс жараёнида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш мақсадида муаммоли, дастурли, изланувчан усуллардан, амалий машғулотларда эса ишчи ва педагогик ўйинлардан кўпроқ фойдаланиш ҳамда уларга алоҳида - алоҳида индивидуал топшириқлар бериш, билим олувчиларнинг яккама - якка ва гуруҳий фаолиятларини уйғунлаштириш таълим жараёнини ташкил этишнинг зарурий шартлари бўлиб бормокда.

II. Таълим жараёнида педагогик технологияларни қўллаш.

2.1. Педагогик технология асосида ўқув жараёнини ташкил этиш.

Педагогик технологиянинг моҳияти ўқитиш мақсадларини тўғри кўрсатиш, ўқув жараёнини тузиш ва уни самарадорлигини ўзида қамраб олган ўқув фаолиятининг тўлиқ бошқарувчанлиги ғоясидан иборат. Айтиш мумкинки, ҳар бир дарсда таълим мақсадининг аниқ қўйилиши ўқитиш технологиясини лойihalашда муҳим шартлардан биридир.

М.В.Кларин [12] таъкидлашича, ўқув жараёнини технологик жихатдан тузишни тушуниб олишнинг калити, аниқ белгилаб олинган мақсадларга изчил йўналиш олиш ҳисобланади. Шу муносабат билан, анъанавий ўқитишда мақсадни қўйишнинг типик усулларига мурожаат қиламиз.

1. Мақсадларни ўрганиладиган мазмун орқали аниқлаш. Масалан, «бундай боблар мазмунини (ходисалар, теоремалар, қонунлар ва ҳокозо) ўрганиш». Мақсадлар қўйишнинг бу усули бир ёки бир неча бундай таърифларда ўқув жараёнини тузиш учун бирор арзигулик нарса топилмайди. Шундай таърифларга

асосланиб у ёки бу мақсадга эришиш тўғрисида хутоса чиқариш қийин.

2. Мақсадларни педагогик фаолият орқали аниқлаш. Масалан, «ўқувчиларни ички ёнув двигателининг ишлаш принципи билан таништириш». Мақсадлар қўйишнинг бундай усули ўқитувчининг шахсий фаолиятида жамланган.

3. Мақсадларни ўқувчининг интеллектуал, эмоционал, шахсга оид ривожланишининг ички жараёнлари орқали қўйиш. Масалан, «кузатиладиган ҳодисаларни таҳлил қила билишни шакллантириш». Бу усулда мақсадга эришиш тўғрисида аниқ мезонлар бўлмагани учун натижани баҳолаш қийин.

4. Мақсадларни талабаларни ўқув фаолияти орқали қўйиш. Масалан, машғулотнинг мақсади – биринчи ҳосилани аниқлаш учун масалалар ечиш. Бу мақсадда ҳам ўқитишнинг қутилган натижасига ишора йўқ.

Педагогик технологияда мақсадлар аниқ, талабаларнинг ишончли ўлчаш, аниқлаш мумкин бўлган ҳатти - ҳаракатларида ифодаланган натижалар орқали белгиланади.

Педагогик технология таклиф қилаётган мақсадлар қўйиш усули, ортикча воситалиги билан ажралиб туради. У шундан иборатки, ўқитиш мақсадлари ўқувчиларни ишончли ўлчаш, билиб олиш мумкин бўлган ҳатти - ҳаракатларида ифодаланган натижалар орқали шакллантирилади. Бунга америкалик олим Б.Блум таклиф этган тизимни кўрсатиш мумкин. Блум таксономиясида билиш соҳасидаги ўқув мақсадлари тоифалари қуйидаги жадвалда келтирилган.

3-жадвал. Ўқув мақсадларининг тоифалари

Ўқув мақсадларининг асосий тоифалари	Ўқув мақсадларининг умумлаштирилган турларига мисоллар
1	2
1. Билиш Бу тоифа ўрганилган материални аниқ фактлардан яхлит назарияларгача эслаб қолиш ва такрорлашни билдиради	Ўқувчи Ишлатилган терминларни билади, аниқ фактларни билади; усул ва тартиб - қоидаларни (процедура) билади; қонда ва қонунларни билади
2. Тушуниш Ўрганилган материал аҳамиятини тушуниш	Ўқувчи Фактлар, қоидалар ва

<p>қобилиятининг кўрсаткичи бўлиб, материални бир ифодалаш шаклидан бошқасига, бир тилдан бошқасига «ўтказиш» (масалаи, сўзлар шаклидан математик шаклга айлантириш) хизмат қилади. Тушуниш кўрсаткичи сифатида талабанинг материални изоҳлаб бериши ёки ҳодиса воқеаларнинг оқибатлари, натижаларини тахминан айтиб бериши хизмат қилади. Бундай натижалар материални оддий тушуниб олишда устушлик қилади</p>	<p>қонушларни тушунади. сўз материални изоҳлайди, тушунтиради; схема, график, диаграммаларни изоҳлаб беради; сўзларни математик ифодаларга айлантиради; мавжуд маълумотлардан келиб чиқиб келажакдаги оқибатларни тахминан тасвирлаб беради.</p>
<p>3. қўланиш</p> <p>Бу тоифа ўрганилган материални аниқ шароитларда янги вазиятларда ишлата билишни аниқлатади. Бунга қондалар, усуллар, тушунчалар, қонушлар, назарияларни қўллангани кирди. Ўқитишнинг тегшли натижалари материалларни тушунишга нисбатан бир мунча юқори даражада эғаллашни талаб қилади.</p>	<p>Ўқувчи</p> <p>Тушунчалар ва қондалардан янги вазиятларда фойдаланади, қонушлар, назарияларни аниқ амалий вазиятларда қўллайди; усул ёки тартиб – қондани туғри қўллашни намоён қилади.</p>
<p>4. таҳлил (анализ)</p> <p>Бу тоифа материални тузилишига қараб аниқ кўришиб турадиган қилиб таркибий қисмларга тақсимлашни билишни билдиради. Бунга, бир бутундан айрим қисмларни ажратиб олиш, улар ўртасидаги ўзаро боғланишларни аниқлаш, бир бутунни ташкил қилган қондаларни аниқлаш кирди. Бунда ўқув натижалари тушуниш ва қўллашга нисбатан бир мунча юксак интеллектуал даража билан характерланади, чунки бу, ўқув материал мазмунини ҳам, шунингдек унинг ички тузилишини ҳам аниқлаб етишни талаб қилади</p>	<p>Ўқувчи</p> <p>Яширин (ноаниқ) тахминларни қила олади. Фикрлаш орқали ютуқ ва камчиликларни ажратиб улар ўртасидаги тафовутни аниқлайди. Маълумотларнинг аҳамиятига баҳо беради</p>
<p>5. синтез</p> <p>Бу тоифа янгиликка эга бўлиш бир бутунни ҳосил қилиш учун, элементларни бир-бирига қўша билишни аниқлатади. Ахборот (сўзга чиқиш, маъруза), ҳаракатлар режаси ёки умумлаштирилган боғланишлар йиғиндиси (мавжуд маълумотларни тартибга солиш учун схемалар) шундай янги махсулот бўлиши</p>	<p>Ўқувчи</p> <p>Мўжазгина ишро ёзди, тажриба ўтказиш режасини таклиф этади. Бирор муаммони ҳал қилиш учун режа тузишда ҳар хил соҳалардаги билимлардан фойдаланади.</p>

мумкин. Тегишли ўқув натижалари янги схемалар ва структуралар яратиш учун ижодий фаолиятни кўзда тутлади.	
6. Баҳо кўйиш.	Ўқувчи
Бу тоифа аниқ мақсад учун у ёки бу материал аҳамиятига (тасдиқлаш, бадиий асар, тадқиқот маълумотлари) баҳо бера билишни аниқлади. Ўқувчининг фикрлари аниқ мезонларга асосланиши керак. Мезонлар ички (таркибий, мантикий) ва ташқи (кўзланган мақсадга мувофиқ) бўлиши мумкин. Ушбу тоифа бундан олдинги барча тоифаларнинг ўқув натижалари ва аниқ чегараланган мезонларга асосланган баҳога оид фикрларни эгаллашни кўзда тутлади.	Материални тузиш мантиқига ёзма матн кўринишида баҳо беради. Хулосаларнинг мавжуд маълумотларга мувофиқлигига баҳо беради. Ички мезонларга асосланиб фаолиятнинг у ёки бу махсулоти аҳамиятига ташқи сифат мезонларига асосланиб баҳо беради.

Б.Блум назарияси бўйича ўқув фани мақсадлари икки босқичда ойдинлаштирилади. Биринчи босқичда курс мақсадлари, иккинчисидан ўқув фаолиятининг кундалик, жорий мақсадлари ажратилади. Мақсадларнинг батафсил таърифи (спецификаси) жадвал кўринишида расмийлаштирилади. Жадвалнинг қаторларида ўқув материали мазмунига оид бўлимлар, уларни бажариш муддатлари устуниларида эса бўлимлар ўзлаштирилганда ўқувчилар интеллектуал фаолиятининг етакчи типлари кўрсатилади.

Куйида АҚШ ўрта мактабларининг 11 - синфи учун кимё фанининг айрим мақсадлари спецификасига мисол келтирамиз.

4-жадвал. Кимё фанининг мақсадларини аниқлаштириш.

№	Фаннинг бўлимлари	Ақлий жараён тоифалари					
		билиш	тушу-ниш	қўл-лаш	тах-лил	син-тез	баҳо-лаш
1	Олимларнинг таржиман ҳоли	+					
2	Ўлчаш	+	+				
3	Кимёвий моддалар	+	+				
4	Кимёвий элементлар	+	+	+	+		
5	Кимёвий модда алмашинуви	+	+	+			
6	Кимё қонунилари	+	+	+	+		
7	Энергия ва мувозанат	+	+		+		

8	Модданинг атом ва молекуляр тузилиши	+	+	+	+		
---	--------------------------------------	---	---	---	---	--	--

Ушбу усул билан СҚХ институти қошидаги лицейда 1998-1999 ўқув йилида физика фани мақсадларини аниқлашда куйидаги спецификация тузилган эди.

5-жадвал Физика фани мақсадларини белгилаш.

№	бўлимлар	Билиш тоифалари			
		билиш	тушуниш	қўллаш	таҳлил
1	Молекуляр - кинетик назария асослари	+	+		
2	Термодинамика	+	+	+	
3	Электростатика	+	+	+	
4	Ўзгармас электр токи	+	+	+	+
5	Магнит майдони	+			
6	Турли муҳитларда электр токи	+	+	+	
7	Электромагнит индукция	+	+		

Бўлимлар бўйича ўқув мақсадларининг тоифалари аниқлангач, ҳар бир бўлим ичида ўқувчилар учун мазмуннинг янги элементлари ажратилади ва тавсифланади, ўзлаштиришнинг талаб этиладиган даражаси учун зарур тегишли ақлий жараёнлар белгиланади.

Б.Блумнинг билиш соҳасидаги ўқув мақсадларини белгилаш тизимидан ташқари В.П.Беспалько таклиф этган ўзлаштиришнинг бошланғич, алгоритмик, ижодий ва эвристик характердаги даражалари бўйича фан мақсадларини кўрсатишга доир математика фанидан мисол келтираемиз.

6-жадвал. Математика фани мақсадларини аниқлаш.

№	Бўлимлар	Билиш тоифалари			
		билиш	тушуниш	қўллаш	таҳлил
1	Тўпламлар назарияси элементлари	+	+	+	
2	Хақиқий сонлар	+	+	+	+
3	Комплекс сонлар	+	+	+	

Ўқув мақсадларини белгилаш технологияларда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу вазифани таълим мазмунини аниқлаш билан биргаликда амалга ошириш мумкин. Бу ишни Давлат таълим стандартлари (ДТС) тармоқ таълим стандартлари (ТТС) асосида ташкил этиш керак. Чунки ДТС ва ТТС ларида асосий ва чуқурлаштирилган ҳамда ихтисосликка йўналтирилган фанлар бўйича таълим мазмунининг зарур ва етарли ҳажми тўлиқ берилган.

Ўқитишда давлат таълим стандартларига мос келадиган натижаларга эришишни таъминлаш керак. Бунинг учун, ўқитувчи таълим жараёнида энг самарали технологиялардан фойдаланишни йўлга қўйиши лозим.

Таълим жараёнининг дидактик таркибини қуйидаги формула асосида белгилаш мумкин:

$$ДЖ = \dot{O} + \dot{F} + B$$

Бу ерда ДЖ - дидактик жараён; \dot{O} - муайян ўқув тарбия мақсадларини бажаришга сабаб бўлувчи, ўқувчини ўқув фаолиятини бажаришга ундовчи, қизиқтирувчи, ўқув омилларини яратиш босқичи; \dot{F} - ўқувчиларнинг ўқув фаолияти тизими; B - таълим жараёнини ўқитувчи томонидан бошқарилиши.

Ўқув омилларини ҳосил қилиш таълим - тарбия жараёнининг мавзуси бутун дарс давомида ўқувчининг фаоллигини, мунтазам тарзда қизиқувчанлигини уйғотишга ундашни кўзда тутади.

Ўқув омилларини яратишга асосланган педагогик технологияни тадбиқ этиш ва ундан кўзланган мақсадга эришиш ўқитувчининг педагогик маҳорати, мулоқат маданияти, нутқининг раволиги, коммуникатив маҳоратининг ўқувчиларга таъсири, педагогик техникани эгаллаганлик даражаси ва бу техникадан бевосита дарсда самарали фойдаланишга боғлиқдир. Ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқати давомида ўқувчида

ўрганилаётган фанга, мавзуга қизиқиш, мустаҳкам ишонч шакллантирилиши лозим.

Ўқитувчининг ўқувчи билан мулоқати педагогик характердаги мулоқат бўлиши, аниқ педагогик вазифани бажаришга йўналтирилиши лозим. Жумладан, оптимал, яхлит, қулай ўқув муҳитини, руҳий вазиятни, ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги шунингдек, ўқувчилар жамоаси орасидаги муносабатни инсонпарварлик мезонлари асосида шакллантириши назарда тутилади.

Ўқитувчи ўқувчилар орасидаги нохуш таъсирларни, улардаги ҳиссий зўриқишларни бартараф эта олиши керак. Агар, ўқитувчи юқорида кўрсатилган таъсирларни бартараф эта олмаса, бу тарздаги ҳиссий зўриқиш илгариги муваффақиятсизликлар билан кўшилган ҳолда ўқувчиларда ўқитувчига ва ўқув предметиға нисбатан салбий муносабатни вужудға келтиради ҳамда кўрқув, ишончсизлик, нутқ динамикаси бузилишининг пайдо бўлишиға олиб келади. Бу ҳол ўқувчининг ўқув фаолиятида ички қизиқишининг пасайишиға олиб келади. Таълим жараёнида ўқувчига нисбатан ҳурматсизлик билан ёндошилган тақдирда, кўзда тутилган талабчанликка, айниқса онгли тарздаги интизом ўрнатишға эришиш мумкин эмас.

Таълим - тарбия ишини ташкил этишда ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги муносабат ва мулоқотнинг қуйидаги шакллари мавжуд: барқарор - ижобий, суст - ижобий ва беқарор.

Ўқитувчининг ўқувчиларға нисбатан барқарор - ижобий муносабати болаларға нисбатан турғун ҳиссий - ижобий муносабат, уларға ғамхўрлик кўрсатиш, қийинчиликларни енгишға ёрдам бериш, улар билан вазмин ва тенг оҳангда мулоқатда бўлиш билан характерланади.

Суст - ижобий муносабатдаги ўқитувчилар курук муносабат ва расмий оҳанг билан ажралиб турадилар.

Беқарор муносабатта эға бўлган ўқитувчилар ўрнатилган умумий ҳисий - ижобий ҳолатдаги вазиятли муносабатларда, ўқувчилар жамоасиға нисбатан беқарор муносабатда бўлишлари билан характерланадилар. Бу гуруҳға мансуб бўлган ўқитувчиларнинг кайфияти ва ташвишлари уларнинг қиёфасида, нутқида акс этади.

Ўқув омилларини яратиш учун ўқитувчи коммуникатив таъсирнинг қуйидаги усулларидан фойдаланади: ишонтириш, исботли натижаларға асосланиш, бевосита ва билвосита таъсир,

Ўқувчиларнинг ўз - ўзини тарбиялаш ва ўзаро таъсир усуллари. Бунда ўқитувчининг нуқти, унинг актёрлик фаолияти муҳим рол ўйнайди. Ўрганилаётган фаннинг келажакда қандай аҳамиятга эга бўлиши, ҳаётдаги турли муаммоларни ечишдаги ролини кўрсатиб бериш ҳам ўқув омилларини ҳосил қилдиради.

Педагогик технологиянинг фаолият кўрсатиши ҳисобига таълим жараёнининг шахсий қизиқиш омили кучайтирилиши мумкин. Маълумки, билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш бевосита ўқувчиларнинг фаолияти натижасида рўй беради. Кўп йиллардан бери дунёнинг қатор олимлари, одамнинг ўқув фаолияти тизимини ўрганиш орқали уни олдиндан лойихалаштириш ва самарали бошқаришга уринишмоқда. Текширишларнинг натижалари асосида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини, қандай ташкил этиш зарурлиги ҳақида турли назария ба фаразларни таклиф этишмоқда. Уларни таҳлил этиш натижасида, талабаларнинг ўқув фаолиятини тузиш ишини куйидаги схема асосида кўрсатиш мумкин [9].

$$\text{ЎФ} = \text{ДФ} + \text{ИФ} + \text{НФ} + \text{ТФ}$$

Бу ерда, ЎФ – ўқув фаолияти, ДФ - дастлабки фаолият, унинг асосий вазифаси - фаолият мақсадини англаш ва уни амалга ошириш усуллари, йўллари ҳамда воситаларини танлаш; ИФ - ижро фаолияти, унинг вазифаси - ўзлаштиришнинг маълум даражага эришиши; НФ - мақсадга эришиш даражасини аниқлашга имкон берувчи назорат соҳасидаги фаолият, ТФ - мақсад ва натижа орасидаги фарқни камайтиришга қаратилган, тузатувчи фаолият.

Ўқув жараёнини ташкил этишнинг турли назарияларида яхлит фаолият тизимининг турли ташкил этувчиларига урғу берилган.

В.В.Давидов – Д.П.Эльконининг мазмунли умумлаштириш назариясида назарий билимларнинг роли асосий деб ҳисобланади. Бу назария бўйича ўқув фаолиятини ташкил этишда назарий - дедуктив усулларга ёндашилади.

Ақлий фаолиятни босқичма - босқич шакллантириш назарияси (Л.С.Виготский, П.Я.Гальперин, Н.Ф.Талызина) асосида инсоннинг ички ва ташқи фаолияти яхлитлиги ғояси ётади [27]. Бу назарияда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини аниқ, белгиланган кетма - кетликда ташкил этиладиган руҳий жараёнлар тарзида олиб бориш таклиф этилади.

Америкалик олимлар Э.Торндайк, Д.Уотсон, Б.Скиннерларнинг бихевиористик ўқитиш назариясида ўқув фаолиятини ташкил этишнинг формуласи куйидагичадир: «омил – реакция – мадад». Омил – ундайдиган сабаб, реакция – ақлий ёки жисмоний ҳаракат, мадад – ҳаракат тўғрилиги ҳақида хабар бериш (моддий ёки маънавий рағбатлантириш). Билишнинг бихевиористик назарияси асосида тузилган машқлар ахборотнинг кичик бўлакларидан иборат бўлиб, улар кўп мартаба такрорланади.

Ўзлаштиришнинг гештальт назарияси (М.Вертгеймер, Г.Мюллер, В.Келлер, К.Коффка ва бошқалар) гештальт ҳақидаги таълимотга асосланади. Гештальт - идрок этиш объектини яхлит ҳолда билишдир. Гештальт назариясининг машқларида ахборотнинг йирик, маъно жиҳатдан яхлит бўлаклари ишлатилади.

Ўқитишнинг суггестопедик назарияси хотирада мустаҳкам қолишга олиб келадиган ишонтириш гипноз усулига асосланади (В.Н.Мясишев, Д.Н.Узнадзе, Г.К.Лозанов ва бошқалар).


Нейролингвистик программалаш назариясида таълим жараёни ахборотнинг одам асаб системаси орқали ўтиши деб қаралади. Бу назарияда ахборот икки турга, яъни сенсорли (нейро) ва вербал (лингво) бўлинади. Болаларнинг ахборот қабул қилиш каналларини қайси бири устун эканлигига қараб турларга бўлинади, визуал (кўриш), аудиал (эшитиш) ва кинестетик (пайпаслаб сезиш) типи ва миянинг икки ярим шари - мантикий, вербал тафаккурга жавобгар чап ярим шар ва эмоционал жараёнларга жавобгар ўнг ярим шари ривожланиши билан фарқ қилувчи типларини ажратади.

Ҳар бир боланинг асаб системаси ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини ҳисобга олиш таълим самарадорлигини белгилайдиган омиллардан биридир.

Ўзлаштириш назариялари, орасидаги фарқлардан ташқари ўхшаш томонларга ҳам эга. Агар, уларга таянсақ, маълум педагогик - психологик тамойиллар асосида ўқув жараёнини ташкил этиш схемаси куйидагича бўлиши мумкин:

Ушбу асосда таълим жараёнини тузиш учун педагогик технологияларнинг турли вариантларидан фойдаланиш мумкин. Бунда фақат ўқитувчининг ўқувчиларни ўзлаштириш динамикаси қандай кетаётганлигини доимий таҳлил қилиши, асосий факторлардан бири бўлиб қолади.

Ўқув фаолиятини ташкил этиш, дастлабки фаолият (ДФ) босқичидан бошланади. Бу босқичда, ўқувчиларда ўқув фани мақсади ва вазифалари, курснинг мантиқий тузилиши ва уни ўрганиш кетма - кетлиги ҳақида тасаввурлар ҳосил бўлиши керак.



4-расм. Ўқув жараёнини ташкил қилишнинг схемаси.

Ижро фаолияти (ИФ) босқичида таълим - тарбия жараёни самарадорлиги муаммоси ўз ечимини топиши керак. Бунда ўқувчининг бошланғич билимлари даражасидан яқуний натижага эришиш учун, шахсни ривожлантирувчи педагогик технологиялардан фойдаланиш зарур.

Ривожлантирувчи таълим технологиясининг "ётақчи тамойиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: инкорпорация" - системали ёндашув асосида турли фанларга оид билимларни бирлаштириш; мослашганлик - турли таълим муассасаларида таълим шакли ва усулларининг қўлланивчанлиги; уйғунлилик - муайян ўқув предметиға оид ўқув материали мазмунининг шахсни ривожлантириш шакли ва усуллари билан уйғун тарзда боғланиши; яратувчанлик - турли ўқув муассасалари ўқитувчиларининг педагогик технологияларни яратиш имкониятлари; табиийликни ҳис қила олишлик - шахснинг генетик ва ижтимоий жиҳатларига асосланган ҳолда ўқувчиларнинг ўзига хос индивидуал хусусиятларини ҳисобға олиш.

Таълим - тарбия жараёнининг ўзаро боғлиқ уч томони – таълим, тарбия ва ривожланишни баробар татбиқ қилиш жараёни модуллашган технологияни тақозо этади. Модуллашган технологиянинг характерли қирраларидан бири таълим мазмунини тартибға солишдан иборат бўлиб, бунда барча ахборотлардан фақатгина шундайларини қатъийлик билан танлаб олиш керакки, улар давлат таълим стандартлари доирасида ўқувчилар фаолиятини зарурий етарли даражада муваффақиятли амалға оширишни таъминлаши лозим.

Модуллашган технология модулларни лойихалаштиришдан бошланади (ўқув предмети ва унинг бўлимлари мазмунини тартибға солиш – бу таълимнинг муайян босқичидан бошлаб бўлинмайдиган касбий фаолиятни мантиқан тугалланган қисмларға ажратиш). Сўнгра ажратилган ҳар бир модул бўйича шу модулнинг ўзигагина тааллуқли бўлган фаолиятнинг мазмуни ва таъсир доираси аниқланади ва шу асосда модул технологиясининг мақсади белгиланади. Модуллашган технологиянинг мақсадиға эришиш учун модул босқичма – босқич амалға оширилади. Бу жараёнда ҳар бир қадам ўқув

Инкорпорация* - қўшиб олиш, турли фанларға оид билимларни бирлаштириш.

элементи сифатида қаралади. Ўқув элементи ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: фаолиятнинг аниқ элементларини ўргатиш билан боғлиқ бўлган назарий ва амалий ахборотлар, таълим учун зарур бўлган фаолиятни таъминловчи восита, материаллар ҳақидаги маълумотлар, мақсадлар спецификаси, ўқув материаллари ва ўқув шароитини назорат қилиш воситалари, чунончи, ўқувчиларнинг кўзланган натижаларга эришишлари учун зарур бўлган шарт-шароитлари, тестлар, эталон ва бошқалар.

Ижро фаолияти (ИФ) босқичида ўқувчиларнинг ўзлаштиришини назорат қилиш талаби бихевиористик таълим технологиясида астойдил ўтказилади. Мадад бериш талаби, албатта, таълим жараёнида тезкор назоратни талаб қилади. Шунинг учун, бихевиористик технологияда ИФ босқичидаги таълимий машқлар амалда тест назорати билан биргаликда ўтказилади, бу жараёнда ўқувчиларнинг ўзини ўзи назорат қилиши ҳам муҳимдир.

Ақлий фаолиятни босқичма - босқич шакллантириш назариясида тезкор мадад бериш ва ўқитувчининг доимий назорати билан, ўқувчининг ўз ўзини назорат қилиш зарурлиги унчалик талаб этилмайди.

Бизнинг фикримизча, ИФ босқичида назорат албатта бўлиши ва унинг натижаларига кўра, дарс ҳолатини мақсадга мувофиқ тарзда ўзгартириш амалга оширилиб, қўйилган мақсадларнинг бажарилишини таъминлаш лозим.

Таълим жараёнининг охириги икки босқичи - назорат фаолияти ва тузатувчи фаолиятлар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, таълим жараёнини бошқариш билан уйғунлашиб кетади.

Етарли даражадаги шахсий қизиқиш ҳамда ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш билан ҳам кўзланган натижаларга тўлиқ эришиш кафолатланмайди. Таълим - тарбия жараёнининг дидактик нуқтаи назардан такомиллашуви фақат, бу жараёни ташкил этиш ва бошқариш йўлларини тўғри танлаш билан таъминланади.

Кўпчилик педагогик асарларда ўқувчиларнинг билиш жараёнини бошқариш усулларига оид етарли маълумот берилганига қарамай, ушбу қўлланмада бу тўғрида ҳам тўхталиб ўтмоқчимиз.

Таълим - тарбия жараёнида бошқаришнинг қуйидаги турлари мавжуд: очик, ёпиқ (циклик) ва аралаш.

Очиқ бошқарувда ўқитувчи ва ўқувчи орасида тескари алоқа йўқ, ёки у жуда кечикиб ўтказилади. Натижада ўқитувчи таълим жараёнини бошқара олмайди, яъни таълим - тарбия мақсадларини амалга оширишда рўй бераётган четланишларни ўз вақтида аниқлаб, уларни бартараф эта олмайди. Очиқ бошқарувда ўқувчиларда тушунмаслик, ўзлаштирмаслик, англай олмаслик вазиятлари рўй беради, улар тўпланиб, оқибатда фандан бўш билимга олиб келади.


Ёпиқ ёки циклик бошқарувда тескари алоқа ҳам таълим жараёнига мақсадли таъсир этиш ҳам мавжуддир. Циклик бошқарувда таълим жараёнининг натижалари доимий назорат қилиб борилади ва мақсадни бажариш фаолиятида аниқланган хатолар тузатиб, ўқув жараёнига керакли ўзгартиришлар киритилади (коррекция).

Бошқариш тизимининг В.П.Беспалько таклиф этган классификациясида [9] информацион жараён тури ва бошқариш усулларига ҳам эътибор берилган.

Информацион жараён, яъни ўқув материални ўқувчиларга етказиш икки турга бўлинади: тарқоқ (шахсга йўналтирилмаган) ва йўналтирилган. Биринчи ҳолда, ўқитувчи дарсада «ўрта даражада» ги ўқувчига мослашиб, ҳамма учун бир хил таълим беради ва ўқувчиларнинг шахсий хусусиятларини эътиборга олмайди. Шунинг учун, кўпчилик ўқувчилар таълимда орқада қолади, белгиланган мақсадлар бажарилмасдан қолади. Йўналтирилган таълимда ҳар бир ўқувчининг имкониятлари, хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда таълим берилади. Репетитор – ўқитувчиларнинг алоҳида ўқувчилар билан иши йўналтирилган информацион жараённинг типик намунасиدير.

Бошқариш усуллари икки гуруҳга бўлинади: оддий (автоматлаштирилмаган) - бу, ўқитувчининг ўзи, унинг нутқи, доскадаги ёзувлар, расмлар, оддий кўргазмали қуроллар ва хоказо; автоматлашган – ўқитувчи иштирокисиз таълим жараёнини бошқариш имконини берадиган мосламалар. Буларга кино, телекўрсатув, радио, магнитофон, видеомагнитофон, ЭХМ дастурлари, дарслик, ўқув қўлланмалари, услубий кўрсатмалар ва хоказолар киради.

Қуйидаги расмда таълим жараёнини бошқаришнинг турлари ва усуллари орасидаги муносабатлар кўрсатилган.



5-расм. Таълим жараёнини бошқариш турлари ва усуллари. А-бошқариш турлари; Б-информацион жараён тури; В-дидактик тизимнинг номи: № 1 - Анъанавий таълим, № 2 - Аудиовизуал воситалар, № 3 - Маслаҳатчи, № 4 - Оддий дарслик, № 5 - Кичик гуруҳлар, № 6 - ЭХМ дан фойдаланиш, № 7 - Репетитор, № 8 - Мослашган дастурли бошқариш

Тизим №1- «Анъанавий ўқитиш»- бошқаришнинг очик тури, тарқоқ информацион жараён ва оддий бошқариш усулидан иборат бўлиб, кўпроқ кам тажрибали ўқитувчиларга хосдир. Бу ўқитувчилар дарсда ўқувчиларга ахборот бериш билан овора бўлиб, бу маълумотлар қанчалик даражада ўзлаштирилаётгани билан қизиқмайди. Шунинг учун, таълим натижалари анча паст бўлади. Лекин, бу система қисқа вақтда кўп сондаги ўқувчиларга катта миқдордаги ахборотни бериш каби ижобий хусусиятга эга. Бу системага энг яққол мисол - маърузадир. Маърузанинг ижобий томонларидан фойдаланган ҳолда, унинг салбий томонларини камайтириш учун, маърузанинг ўқув жараёнидаги ўрнини аниқ белгилаш, бу дарсларда ўқувчиларнинг амалий машғулотларга, мустақил ишларга тайёрланиши учун зарур бўлган йўл - йўриқларни

бериш керак. Анъанавий ўқитишдан бошқа дидактик тизимлар билан биргаликда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Тизим №2 – «аудиовизуал воситалар» тизими анъанавий тизимдан оддий бошқаришни автоматик бошқаришга алмаштириш билан фарқ қилади. Бошқариш – очик, информацион жараён – тарқок ҳолда қолади. Кейинги пайтда видеофильмлар, ўқув кўрсатувлари, телекўрсатувлар кўпайиши ҳисобига бу тизимдан тобора кенг фойдаланилмокда. Аммо, дарсада тесқари алоқа бўлмаса, ўқувчиларнинг билиш фаолияти пастлигича қолади. Бу тизимни қўллашда самарадорликни ошириш учун, ўқитувчи кўрсатувдан олдин керакли мақсадларни кўйиб, фильмни қайси жойларига кўпроқ аҳамият бериш зарурлигини изоҳлаб бериши керак.

Тизим №3 – «маслаҳатчи». Бунда бошқариш – очик, усул оддий, аммо информацион жараён йўналтирилган бўлади. Ўқитувчи ўқувчи билан яккама - якка шуғулланади, унга керакли билимларни беради, аммо уларнинг ўзлаштирилиши билан қизикмайди, вазиқалар қўйилади, аммо уларни бажариш ҳолати ва сифатини текширмайди. Назоратнинг йўқлиги бу тизимнинг камчилигидир. Шунинг учун, бу тизим муваффақияти тўлалигича ўқувчининг фаоллиги, ўзини-ўзи бошқариши ва қобилиятига боғлиқдир.

Тизим №4 – олдинги тизимдан фақат ўқитувчининг ўрнига дарслик бўлиши билан фарқ қилади.

Оддий дарслиқлардан фойдаланишда ўқувчи маълум билимларни эгаллаши мумкин. Аммо ўқиш давомида, ўқиганини тўғри тушундиши деган саволга жавоб бўлмайди.

Тизим №5 – «кичик гуруҳлар» тизими ўқувчиларнинг катта гуруҳи билан ишлаётган ўқитувчининг алоҳида ўқувчилар учун махсус топшириқлар тайёрлаб келиши орқали тесқари алоқани ўрнатишидан иборат. Бу топшириқларда ўқувчиларнинг ўзини – ўзи назорат қилиши ва хатоларини тузатиши учун йўл – йўриқлар кўрсатилади.

Ушбу тизимни қўллаш яхши натижаларга олиб келиши мумкин. Аммо уни оддий ҳолда қўллаш ўқитувчидан кўп вақтни ва меҳнатни талаб қилади. Ушбу тизим самаралироқ бўлиши учун, ўқувчилар учун махсус дастурлашган ўқув қўлланмаларини яратиш зарур.

Тизим №6 – «автоматлашган синф» да (компьютер синфлари) ўқитувчи ўрнига таълим берувчи дастурли ЭХМ дан фойдаланилади. Ўқув информацияси ва уни ўзлаштириш бўйича

кўрсатмалар ЭХМ дастурида берилади, ундаги назорат топшириқлари тўғри бажарилса, ахборотнинг янги босқичига ўтилади, нотўғри бўлса, олдинги материал такрорланади. Тизим фақат мавзунини ўрганиш тезлигини бошқаради, ўқувчиларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олмайди.

Тизим №7 – «репетитор» йўналтирилган информацион жараёнлиги ва тескари алоқа мавжудлиги билан ажралади. Ўқитувчи битта ўқувчи билан шуғулланади, унинг ўқув фаолиятини текшириб, ўзлаштиришини доимий назорат қилиб боради.

Тизим №8 – «мослашган дастурли бошқариш» дидактик жараёнларнинг танланишига кўра энг самаралисидир. Бу тизимда билимларни эгаллаш жараёни махсус дастурлар асосида ЭХМ лар воситаси билан ташкил этилади. ЭХМ орқали ўқувчи ўз ностагига кўра ўқитувчини танлайди, ундан компьютер орқали топшириқлар тушунтириш, йўл-йўриқлар олади. Ўзлаштириш жараёни доимий назорат қилинади, хатога йўл қўйилганда бунинг сабаблари ҳақида тушунтириш ва қўшимча маълумотларни ёки бу мавзунини қайта такрорлаш ҳақида кўрсатма олади. Ўқувчиларда ИНТЕРНЕТ тизими орқали бошқа ўқув юртлари, кутубхоналар билан боғланиш ва улардан зарурий маълумотлар олиш имкони бўлиши керак.

Ўқув амалиётида юқорида кўрсатилган тизимларнинг аралашган турлари кўп ишлатилади. Уларга мисол қилиб қуйидагиларни келтирса бўлади.

(1+4) – тизимлар бирикмаси анъанавий дидахографияда маъруза ва ўқувчиларнинг дарслик устида мустақил ишлаши;

(1+2+4) – ҳозирги замон дидахографияси^{*}; олдинги тизимга ўқитишнинг техник воситаларини қўшиш билан фарқ қилади.

(5 + 7) – кичик гуруҳларда тескари алоқани ўрнатиш орқали ёрдамга муҳтож ўқувчилар аниқланади ва улар билан яккама - якка иш олиб борилади (репетиторлик).

(1 + 2 + 7 + 8) – дастурлашган ўқитишда таълим жараёнида мослашган бошқарув билан бир қаторда ЭХМ ларидан фойдаланиш, узоқдан туриб ўқитиш ва бошқа тизимлардан ҳам фойдаланишади. Ушбу мураккаб ўқув тизимида ўқувчилар билан яккама - якка ишга кўпроқ эътибор

Дидахография* - Чехиялик мактабшунос олим Я. Коменскийга кўра дарсликка асосланган дарс бериш услубияти.

Берилади. Бу ҳолда ўқитувчи 1 тизимдан фақат катта гуруҳдаги ўқувчиларга ўқув фани бўйича бошланғич йўлланма ва мустақил ишлари учун маслаҳатлар бериш учун фойдаланади. Берилаётган маълумотлар динамик характерда ёки ноёб объектлар билан боғлиқ бўлса ўқитишнинг техник воситаларидан (2 - тизим) фойдаланишга тўғри келади. Ҳозирги пайтда замонавий техника воситаларининг таълим жараёнига кириб келиши албатта 2 - тизим самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ўқувчиларнинг билиш жараёнини бошқариш учун 6 - тизимдан фойдаланиш яхши натижаларга олиб келади. Афсуски, бу соҳада ҳали қатор камчиликлар мавжуд. Улардан асосийси, республикада компьютерлар учун ўзбек тилида тузилган дастурларнинг жуда камлиги. Ривожланган ғарб мамлакатларида компьютер техникаси ва телекоммуникациялар ривожланиши туфайли 8 - тизимга кўпроқ аҳамият берилаётгани, таълимда индивидуал лойиҳаларни бажариш орқали билим олиш жараёни ташкил этилаётгани ушбу тажрибани ўрганишни тақоза этади.

Таълим беришда қайси дидактик тизимлардан фойдалансак кўйилган ўқув мақсадлари рўёбга чиқади? Ушбу муаммони тўғри ҳал этиш ўқитувчи меҳнатининг самарасини белгилайди. Шунинг учун, бу ўринда турли дидактик тизимларнинг билиш даражаларини таъминлаш имкониятлари жадвалини келтирамиз [9-11]

7-жадвал. Билиш даражаларини таъминлаш имкониятлари.

Билиш даражаси	Дидактик тизимлар							
	1	2	3	4	5	6	7	8
1. Танимоқ (репродуктив)	*	*	*	*	*	*	*	*
2. Алгоритмик (реконструктив)				*	*	*	*	*
3. Эвристик					*	*	*	*
4. Ижодий							*	*

Бу жадвалдан кўринадики 1 - дидактик тизим, яъни фақат ўқитувчининг маърузаси ўқувчиларнинг танишув даражасидаги ўзлаштиришини таъминлаши мумкин. Агар, таълим жараёни олдига ўқувчиларнинг алгоритмик даражадаги ўзлаштиришга

эришиши кўйилган бўлса, ўқитувчининг маърузаси, тушунтириши, кўрсатма бериши билан бир қаторда, ўқувчиларнинг дарслик билан мустақил ишини ташкил этиш, кичик гуруҳларда ишни ташкил этишга тўғри келади. 7 ва 8 - тизимлар учун билиш даражасига эришишда чегаралар йўқлиги, ушбу тизимларни педагогик нуқтан - назардан ўрганиш ва тажрибада қўллаш зарурлигини тақозо қилади.

2.2. Таълимнинг интерфаол* усуллари.

Билиш жараёнида ўқувчининг фаоллиги тамойили – дидактикада асосий тамойиллардан биридир. Бу тушунча остида юқори даражадаги қизиқувчанлик, билимлар ва кўникмаларни онгли равишда ўзлаштириш, ўқув натижаларининг самарадорлиги тушунилади. Бундай фаолликни ўз - ўзидан пайдо бўлиш эҳтимолияти кам. Шунинг учун, ўқувчилар фаоллигини оширувчи педагогик технологиялардан фойдаланиш зарурати пайдо бўлади. Хорижий ҳамда ҳамдўстлик мамлакатларида амалиётга муваффақиятли татбиқ этилаётган таълим - тарбия беришнинг интерфаол усуллари орқали дарс ўтиш ўзининг самарасини бермоқда. Ушбу усуллар билан танишиш, уларни ўзимизнинг шароитимизга мослаб ўзгартириш, таълим - тарбия жараёнида қўллаш ва олинган натижаларни таҳлил этиш давримиз талабидир.

Информацион технологиялар ёки постиндустриал жамият деб аталаётган XXI асримиз, ўтган асрдан фарқли равишда, ёшларнинг мустақил фаол ҳаракат қиладиган, эркин фикр юрита оладиган, ҳаётнинг ўзгарувчан шароитларига мослаша оладиган фуқаролар бўлишига кўпроқ талабгордир.

Кейинги йилларда чоп этилган кўпдан – кўп мақолалар, халқаро конференциялар ва симпозиумлардаги маърузаларда информацион технологиялар давридаги замонавий жамиятлар турли ўқув юртлири олдига қуйидаги шартларга жавоб берадиган битирувчиларни тайёрлаш вазифасини қўяётгани кўрсатиб ўтилган:

Интерфаол* - ўқувчи ва ўқитувчи орасидаги фаол муносабат.

* керакли билимларни мустақил равишда эгаллаб, ҳаётнинг ўзгараётган вазиятларига мослаша олиш, унда бутун умри давомида ўз ўрнини топа билиш;

* мустақил, танқидий фикрлай олиш, борлиқда пайдо бўлаётган муаммоларни кўра билиш ва уларни замонавий технологиялар асосида рационал ҳал этиш йўллариини топа билиш, янги ғояларни таклиф этиш, ижодий фикрлай олиш;

* ахборотлар (информациялар) билан ишлаш олиш (муаммони ҳал этиш учун керакли далилларни тўплаш, уларни таҳлил қилиш, муаммони ҳал этиш усулларини таклиф этиш, керакли умумлаштиришлар, ўхшатишлар, таккосларни қила билиш, статистик қонуниятларни аниқлай олиш, асосланган хулосаларни бера олиш);

* турли ижтимоий гуруҳларда ўзини тута билиши, турли соҳалар, ҳар хил вазиятларда бошқалар билан бирга ишлаш олиши;

* ўзининг ахлоқи, ақлий қобилияти, маданий даражасини ривожлантириш устида мустақил ишлаш олиши.

Ушбу хулосалар, жумладан 1994 йил июнида АҚШ даги халқаро таълим маркази томонидан 10 йирик мамлакат (АҚШ, Канада, Хитой, Корея, Япония, Франция, Россия, Германия, Буюк Британия, Дания) да таълим ҳолатини таҳлил қилиш натижасида тайёрланган маърузада келтирилган.

Бу вазифаларни таълимнинг анъанавий тизими ёрдамида ҳал этиш мумкин эмас, чунки синф - дарс тизимига асосланган бу тизимда юқоридаги вазифаларни бажариш учун шароитлар мавжуд эмас. Шунинг учун, кейинги 10 - 15 йил ичида қатор мамлакатларда таълимнинг интерфаол (ноанъанавий) усуллари таклиф этила бошланди. Уларда, биринчи навбатда ҳар бир ўқувчининг фаол равишда билиш жараёнига қатнашиши, олаётган билимларни амалиётда қўллаш, бу билимлардан қаерда ва қандай мақсадларда фойдаланиш мумкинлигини тушуниш имкониятлари яратилади. Ўқувчилар турли муаммоларни ҳал қилишда синфдаги, мактабдаги ёки бошқа жойлардаги, мамлакатлардаги тенгдошлари билан мулоқатда бўла олишлари, ўзларининг мустақил фикрларига эга бўлишлари учун эркин ахборот олишлари мумкин бўлади.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш нафақат таълим тизимининг, балки бутун жамиятнинг ёрдам беришини талаб этади.

Педагогиканинг ушбу долзарб муаммоларини ҳат этиш учун таълим жараёнининг моддий базасини қайта қуриш заруриятини тушунган ҳолда жамиятимизда йирик ўзгаришлар амалга оширилаётганига гувоҳимиз. Аммо, таълим тизимининг компонентлари орасида илғор педагогик ва информацион технологияларни амалиётда кенг татбиқ этиш оқсамокда.

Шунинг учун, педагогик технологиялар соҳасидаги янги изланишлар билан таниш бўлиш, ўқитишнинг фаол усуллари билиш ва қўллай олиш ҳар бир ўқитувчининг олдига қўяётган замон талабларининг асосийларидандир. Кейинги йилларда матбуотда эълон қилинган ахборотларни таҳлил этган ҳолда таълимнинг қуйидаги интерфаол усуллари билан танишишни мувофиқ деб топдик [7, 8, 14, 15, 18].

2.2.1. Амалий ўйинлар.

Амалий ёки ишчан ўйинлар янги мавзунини ўзлаштириш, такрорлаш, ижодий қобилиятларни ривожлантириш вазифаларини бажариш имконини беради. Ўқув жараёнида амалий ўйинларнинг турли шаклларидан фойдаланилади: таклид қилиш, ролли ўйинлар (театр дарслари ва сахна кўринишлари ва х.).

Таклид қилиш ўйинлари. Дарсда бирорта ташкилот, корхона иши таклид этилади (иш йиғилиши, иш режасининг муҳокамаси, музокаралар, мунозараларни олиб бориш, суд, патент ташкилоти, илмий кенгашларда чиқишлар ва х.к.).

Ролли ўйинларда ўқувчи турли хил характерли инсон образига қалбан киришиб кетади. Ўйинда ўқувчиларга асосан тугалланмаган вазиятлар акс этган, муаммоли сахна кўриниши роллари берилади. Ўқувчилар ушбу муаммоли ролларни мустақил равишда охирига етказиб ўйнашлари шарт.

Театр дастурларида ролли ўйинлар ўқувчиларни бошқа инсонларни тушунишга ўргатади. Ушбу усул ўқувчиларни мустақил фикр юритишга, ҳаётда ҳар қандай шароитда ҳам ўзини тута билишга, тарбияланганлигига ҳамда мустақил ҳаёт кечирishiдаги ўзини қарашларини асослаб бера оладиган инсон сифатида шакллантиради.

Ишчан ўйинларни ўтказиш технологияси қуйидагиларни ўз ичига олади (6-расм).



6-расм. Амалий ўйинлар схемаси.

1. Тайёрлаш босқичида ҳаётдаги бирор муаммо, вазиятни кўрсатиш учун сценарий тайёрланади. Масалан, суд жараёни, илмий кенгашда муҳокама, корхона раҳбари қошидаги ишчи йиғилиш ва х.к. Ўйинда қатнашувчиларга йўл - йўриқлар берилади. Ўйинни ўтказиш учун экспертлар танланади. Қатнашувчилар бу экспертлардан ўйингача керакли маълумотларни олишади. Ўқувчилар ролларини ўзлари танлаб олиши ёки ўқитувчи томонидан бўлиб берилиши мумкин. Шундан сўнг, ўйинда қатнашувчилар роллар устида машқ қиладилар, ишлайдилар, бу босқич одатда 1,5 - 2 ҳафтага чўзилади.

2. Ўйинни ўтказиш босқичида ўқувчилар ўзларига бўлиб берилган ролларни ўз мустақил фикр ғояларидан келиб чиқиб, ҳаётда шундай вазияда ўша инсон қандай йўл тутарди, шулар ҳақида фикр мулоҳаза юритиб ўйнайдилар. Ўқитувчи ўйин давомида тамошабин сифатида бўлади. Айрим ҳоллардагина ўйинга аралashi мумкин. Бунда қисқа, аниқ ва дўнда ҳаракат қилиши керак бўлади. Ишчан ўйинлар турларига қараб, ўйинда қатнашаётганларнинг ишга нисбатан муносабати орқали: ғоялар генератори, ишлаб чиқувчи, тақлид қилувчи, билимдон; таҳлил қилувчи (аналитик) бўлиши; янгиликка муносабат орқали: фаол,

эхтиёткор танкидчи, консерватор (эскилик тарафдори) бўлиши; тутган ўрнига қараб: ташкилотчи, мувофиқлаштирувчи, умумлаштирувчи, назоратчи, тренер ва хокоза бўлиши мумкин.

3. Муҳокама ва баҳолаш босқичида экспертлар, ўйин иштирокчилари, тамошабинлар ўйинни таҳлил қилиш, муҳокама қилиш имкониятига эга бўладилар, ҳаёт билан ўхшашликка, ўқув фани билан боғлиқликка эътибор берилади ва ўқитувчи томонидан яқунланиб, баҳоланади.

2.2.2. Ақлий ҳужум

«Ақлий ҳужум» бирор муаммони ечишда гуруҳ қатнашчилари томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келадиган самарали усуллардан биридир. У, тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

«Ақлий ҳужум» усулини қўллашда ўқитувчи гуруҳ иштирокчиларини тўплайди, улар олдига бирор муаммони вазиятни ечиш бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришни сўрайди. Мазкур босқичда иштирокчилардан ҳеч бири бошқа қатнашувчиларнинг ғояси, фикрини муҳокама қилиши ёки баҳолаши мумкин эмас. Билдирилган ҳар қандай ғоя ва фикрлар ҳисобга олинади, қанча кўп фикр ва ғоялар билдирилса шунча яхши. Билдирилган ғоя ва фикрларни тўлдириш, кенгайтириш, қайта ўзгартиш мумкин. Ғоялар ёзилган варақлар деворга осиб қўйилади. Берилган ғоялар асосида муаммони ҳал этишга ёрдам берадиган ечимни тиклаш учун муҳокама ўтказиш. «Ақлий ҳужум» усулининг схемаси куйидаги 7-расмда келтирилган.



7-расм. «Ақлий ҳужум» схемаси

2.2.3. Бахс – мунозара

Ўқувчиларни танланган мавзу соҳасида мунозара қилишга ўргатиш, уларнинг билимларини чуқурлаштиради, ўз фикрларини асослаш қобилиятини ривожлантиради.

Мунозарани ўтказиш учун:

1. Ўқитувчи бахс - мунозара машғулоти учун муаммони мавзу танлайди ва ўқувчиларни таклиф этади.

2. Ўқитувчи қатнашувчиларга муаммони «Ақлий ҳужум» усули билан ечишни вазифа қилиб юклайди ва уни ўтказиш тартибини белгилайди.

3. Ўқитувчи «Ақлий ҳужум» вақтида билдирилган ғоя ва фикрларни ёзма равишда ёзишни таклиф этади ёки уларни ёзиш учун котиб тайинлайди.

4. Ўқитувчи ўқувчиларни икки гуруҳга ажратади ва синфнинг икки томонига қатор қўйилган столлар ёнига ўтқзади ва ҳар бир гуруҳ қатнашчилари қайси нуқтаи - назарни ҳимоя қилишларини белгилайди. Шундан сўнг 1-гуруҳ ўқувчиларига номерланган варақлар тарқатилади ва 5 минут

давонида ўзлари маъқуллаётган нуқтаи назар фойдасига битта далилни ёзиш топширилади.

5. 1-гурух аъзолари томонидан ёзилган варақлар қарши гуруҳдаги шерикларга берилади. Улар шерикларининг далилларига қарши жавоб топиши ва ёзиши учун ҳамда ўз қарши далилларини баён қилишлари учун 10 минут вақт ажратилади.

6. Ўқувчилар билимларини аниқлаш учун далиллар алмаштиришни 2-3 марта такрорлаш етарлидир.

7. Бахсларга яқун чиқаришнинг яхши шакли иккала томонга қаратилган саволди: қарши томоннинг энг яхши далил исботлари қайсилари бўлди?

8. Ўқитувчи томонидан мунозара қатнашчиларини баҳолаш. Аммо бу ҳақда ўқувчиларни дарснинг бошидаёқ огоҳлантириш керак.

2.2.4. Ҳамкорликда ўқиш

«Ҳамкорликда ўқиш» педагогик технологиясини америкалик педагогларнинг урта гуруҳи: Хопкинс университетидан Р.Славин, Миннесота университетидан Р.Жонсон ва Д.Жонсон, Калифорния университетидан Ж.Аронсон гуруҳи мукамал ишлаб чиққан [15, 16, 24, 25]. «Ҳамкорликда ўқиш» технологияси анъанавий дарс бериш усулидан нимаси билан фарқ қилади? Анъанавий ўқитиш тизимида ҳар бир ўқувчи фақат ўзи учун ўқиётгандай бўлади. Ўқитувчи «ўртача» ўқувчи даражасига мослашиши керак. Бунда ўқувчи ўзининг ўқиши учун бошқалар (ўқитувчи, ота - она) жавобгар, ўзини эса улар хоҳишининг пассив бажарувчиси деб ҳисоблайди. Синфда 30 та ўқувчи бўлганда ва ҳатто синф иккига бўлинганда ҳам, ўқитувчида ҳар бир ўқувчига ёрдам бериш имкони йўқ. Натижада бўш ўқувчи ўқишда тобора орқада қолади, кучли ўқувчи ҳам олдинги жадал кетиш имкониятига эга бўлмайди.

«Ҳамкорликда ўқиш» технологиясининг бир неча варианты мавжуд: Student Team Learning (STL - командада ўқитиш), Jigsaw (нафис апра) ва Learning Together (бирга ўқиш).

«Ҳамкорликда ўқиш» технологиясини қўллаш учун:

1. Аввал синфни 4 - 5 кишилик кичик гуруҳларга бўлиш керак.

2. Ҳар бир гуруҳда кучли, ўрта ва кучсиз ўқувчи бўлишига эътибор бериш зарур.

3. Синф хонасида парталарнинг қўйилиши кичик гуруҳлар ишлашига ёрдам берсин. Гуруҳ иштирокчилари доира шаклида ўтирсин ва бир - бирини кўрсин.

4. Дарсга тайёргарлик давомида мавзунинг қандай қисмини ўқитувчининг ўзи тушунтириши, қайси қисмини эса ўқувчилар бажаришини режалаштириб келинг. Бунда дарс олдига қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ўқувчига қўйиладиган топшириқлар аниқ бўлиши керак. Агар, топшириқ янги мавзуга доир саволларга жавоблардан иборат бўлса, кучли ўқувчига қийин саволлар берилиши керак. Бу ўқувчи ўзининг гуруҳчасига жавобларни биринчи бўлиб айтсин. Қолган ўқувчилардан бири бу ўқувчининг жавобини дарсликдан текшириб, тўғри - нотўғрилигини айтиши, учинчи ўқувчи эса жавоб тўғри бўлса уни дафтарга ёзиши, тўртинчиси жавобни исботловчи мисоллар келтириши зарур. Кейинчалик ўқувчилар ўз ролларини алмаштиришлари мумкин. Шундан сўнг кичик гуруҳдаги ўқувчилар ўзларига берилган саволларнинг ҳаммасига жавоб беришлари ва уларни бутун синф муҳокамасига чиқаришлари керак. Агар, кичик гуруҳда физика машқлари, масалаларни ечиш режалаштирилган бўлса, унда битта ўқувчи масала шартини дафтарга ёзади, қолганлари шарт тўғри ёзилганини, бошланғич шартлар тўғри аниқланганини текширади, иккинчи ўқувчи масала қандай физик қонуниятларга доир эканлигини аниқлайди ва масалани ечиш усулини таклиф этади. Учинчи ўқувчи масалани ечиш учун зарур бўлган физикавий доимийларни, жадвалда берилган катталикларни топади, тўртинчи ўқувчи масалани ечади, бешинчиси эса унинг математик томонини ва ечимини текширишга жавобгардир.

«Ҳамкорликда ўқиш» технологияси билан лаборатория машғулотларини ўтказишда кичик гуруҳча аъзоларининг вазифалари қуйидагича белгиланиши мумкин; биринчи ўқувчи тажрибани ўтказиш тартибини режалаштиради, иккинчи ўқувчи тажриба учун керак бўлган асбоб - жиҳозларни танлайди, учинчи ўқувчи ўлчашларни ўтказиш, тўртинчиси ўлчов натижаларини ёзади ва ҳисоботни тайёрлайди.

5. Дарснинг мақсади ва ўқувчиларга топшириқларни етказиш. Бу топшириқлар ҳамма гуруҳлар учун бир хил бўлса,

уни доскага ёзиш мумкин, алохида бўлса, варақчаларга аниқ ёзиш ва тарқатиш керак.

6. Дарсда ўтиладиган мавзу ҳажмини аниқлашда «Ҳамкорликда ўқиш» технологияси билан ишлашда кўпроқ вақт кетишини ҳисобга олинг. Чунки ўқувчилар гуруҳларда бир-бирига ёрдам беришга, бир-бирининг фикр мулоҳазаларини эшитиб умумий жавобга келишларига маълум вақт кетади. Бошқа гуруҳларга нисбатан вазифани олдинроқ бажарган гуруҳни банд қилиш йўларини ўйлаб кўринг.

7. Иш вақтида ўқитувчи гуруҳлар атрофида юриб, керакли йўл - йўриқлар, саволларга жавобларни беради, гуруҳда рўй бераётганларни кузатиб баҳолайди.

8. Баҳолаш ва мукофотлаш тизими кичик гуруҳ аъзоларига қандай таъсир қилиши ҳақида ўйлаб кўринг. Гуруҳ фаолиятини баҳолашда ўқувчилар ўзаро муносабатларини ҳам ҳисобга олинг. Ҳар бир дарсда ўқувчилар гуруҳларда қандай ишлаганлари, бир-бирига нақадар ёрдам берганликлари, ривожлантириш йўллари ҳақида хулоса чиқаришлари учун махсус вақт ажратинг.

2.2.5. «Арра усули»

«Арра усули»ни профессор Э.Аронзон 1978 йилда ишлаб чиққан. «Ҳамкорликда ўқиш» технологиясининг кўринишларидан бири бўлган бу усул куйидаги босқичлардан иборат:

1. Гуруҳлар 4 - 6 ўқувчидан иборат қилиб тузилади.

2. Ўқув материали бир нечта асосий қисмларга, мавзуларга бўлинади. Ҳар бир қисм учун ахборот пакети тайёрланади (унда дарсликка қўшимча тарзда газета, журнал мақолаларидан материаллар бўлиши керак).

3. Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси бўлинган қисмлардан бирини олади ва шу мавзу бўйича «эксперт»га айланади.

4. Бир хил мавзунинг ўрганаётган, аммо турли гуруҳдаги ўқувчилар бирга учрашиб, мавзунинг муҳокама қилишади ва шу мавзунинг бошқаларга ўргатиш режасини тузишади. Бу «экспертлар учрашуви» деб аталади.

5. Экспертлар ўз гуруҳларига қайтиб ўзига тегишли мавзуларни бошқа ўқувчиларга тушунтиришади. Улар, ўз навбатида, ўзлари олган мавзуларни бошқаларга етказишади (битта арранинг тишлари каби).

6. Ўқув материални тўлиқ ўзлаштиришнинг бирдан бир йўли ўзининг мавзусини кунт билан ўрганиш, муҳокама этиш ва гуруҳдаги ҳар бир аъзонинг тушунтуришларига кулоқ солиш, уларни консептлаштиришдан иборат эканлигини ўқувчиларга айтинг.

7. Ўқув материали қанчалик ўзлаштирилганлиги ҳақида бутун гуруҳ ёки унинг ҳар бир аъзоси ҳисобот беради. Ҳисобот бўйича баҳо чиқарилади.

1986 йилда R.Slavin ушбу усулнинг бошқача кўриниши «Арра-2» ни таклиф қилди. Унда гуруҳдаги ҳар бир аъзо алоҳида топшириқ олиш ўрнига, ҳамма битта материал устида ишлайди. Лекин, гуруҳнинг ҳар бир аъзоси материалнинг бирор қисмини айниқса чуқурроқ ўрганиши ва шу қисм бўйича экспертга айланиши керак. Экспертлар учрашуви қолади, Дарс охирида ҳамма ўқувчилар алоҳида назоратдан ўтиб, баҳоланади. Гуруҳ аъзоларининг натижалари қўшилади. Энг катта натижавий балга эришган гуруҳ мукофотланади.

2.2.6. Муаммоли таълим ёки лойиҳалар усули

Муаммоли таълим XX асрнинг 20-йилларида америкалик олим Ж.Дьон ва унинг шогирди В.Х.Килпатрик томонидан таклиф этилган. Бу технология таълим жараёнида ўқитувчи томонидан муаммоли вазиятлар қўйилиши ва ўқувчиларнинг ушбу муаммоларни ҳал этиш орқали билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга асосланади.

Муаммоли вазиятлар номаълумнинг мазмунига, муаммолилиқ даражасига, маълумотнинг келишмовчилигига, услубий хусусиятларига қараб турларга бўлинади (9-расм).

Муаммоли таълимда ўқитувчи куйидаги усуллар воситасида муаммоли вазиятлар ҳосил қилади:

- ўқитувчи ўқувчиларга зиддиятни кўрсатиб, уни ҳал этиш йўлини топишга ундайди;
- амалий фаолиятдаги қарама - қаршилиқларни тўқнаштиради;
- бир мавзу бўйича турли қарашларни баён этади;
- синфга ҳодисаларни турли нуқтаи - назардан қараб чиқишни таклиф этади (масалан, юрист, молиячи, ўқитувчи кўзи билан ва х.).
- ўқувчиларни таққослаш, умумлаштириш, вазиятдан хулоса чиқариш, далилларни солиштиришга ундайди;

- аниқ саволлар қўйиб умумлаштириш, асослаш, аниқлаштириш, мантикий фикрлашга чақиради;
- муаммоли назарий ва амалий топшириқлар беради;
- муаммоли масалаларни қўяди (масалан, етарли бўлмаган ёки ортиқча маълумотли, савол ноаниқ қўйилган, бир - бирига зид берилган, олдиндан хатога йўл қўйилган, ечилишига чекли вақт қўйилган масалалар).



8-расм. Муаммоли таълим усулининг схемаси.

Муаммоли технологияни амалиётда қўллаш учун қуйидагилар керак:

1. энг долзарб муаммоларни танлаш;
2. турли ўқув ишларида муаммоли таълим хусусиятларини аниқлаш;
3. муаммоли таълимнинг энг самарали тизимини яратиш;
4. ўқитувчининг ўқувчилар тадқиқот ишини ташкил этишдаги махорати;
5. муаммоларни ҳал этишдан кутилаётган натижаларнинг амалий, назарий, билим олишга оид аҳамияти (масалан, тадқиқот натижалари асосида турли ташкилотларга ҳисобот ёзиш, газета, журналларда чиқиш ва х.).

Информацион технологиялар ҳаётнинг турли жабхаларига тобора кенг қираётган ҳозирги даврда муаммоли таълимнинг имкониятлари кенгаймоқда. Энди муаммоларни ҳал этиш учун синфдаги, мактабдаги ўқувчиларнинг ҳамкорлигидан ташқари, турли мактаб, шаҳар ва мамлакатлар ўқувчиларининг ҳамкорлигини амалга ошириш мумкин. Бундай муаммоли технологиянинг асосий усули - ўқув телекоммуникацион лойиҳалар усулидир.

Йигирманчи асрда муаммоларни ҳал этиш учун ўқувчиларни маҳаллий кутубхона ва оддий ахборот воситаларидаги материаллардан фойдаланишга ўргатган бўлсак, энди компьютер технологиялари ёрдамида, ИНТЕРНЕТ тизими орқали муаммони ҳал этишга дунёнинг бошқа жойларидан ҳамроҳлар топиш мумкин. Бунинг учун интернет тармоғида эълон бериш ёки бошқаларнинг эълонларини ўрганиб, тўғри келганини танлаш керак.

Ҳар қандай лойиҳада мавжуд бўлган муаммоларни ҳал этиш учун фанлараро интеграллашган билимларга эга бўлиш талаб этилади. Телекоммуникацион лойиҳаларда, айниқса халқаро микёсдаги билимларнинг чуқурроқ интеграцияси талаб этилади. Бунда нафақат тадқиқ этилаётган муаммо предметини, балки ҳамроҳларнинг миллий хусусиятлари, уларнинг маданияти, дунёқараши ҳақидаги билимларга ҳам эга бўлиши керак.

Телекоммуникацион лойиҳаларни бажариш учун уларнинг мавзулар мажмуи ва мазмуни қуйидаги шартларга лойиқ бўлиши керак.

* муаммони ҳал этиш учун турли минтакаларда табиий, физикавий, ижтимоий ҳодисаларни кузатиш, улар ҳақида маълумотлар тўплаш талаб этилса;

* турли жойларда рўй бераётган ёки рўй берган ҳодисаларни ўрганиш, таққослаш, умумлаштириш орқали умумий бир хулоса, қарорга келиш учун;

* аниқ бир муаммони турли вазиятларда самарали ҳал этиш усулларини қиёсий ўрганиш

* қандайдир мавзунини ҳамкорликда тадқиқ этиш (масалан, ўсимликнинг турли иқлим шароитидаги янги навини яратиш) ёки ижодий иш (газета, журнал, китоб ёзиш, миллий байрамлар бўйича биргаликдаги тадбирлар, спорт мусобақалари ва х.).

* ҳамкорликда компьютер ўйинлари, мусобақаларини ўтказиш.

Муаммоли таълим ёки лойихалар технологиясида ўқувчиларнинг муаммоларини ҳал этиш жараёни қисқа муддатли (1 - 2 дарсада), ўрта муддатли (бир ҳафтадан бир ойгача) ва узоқ муддатли (бир ойдан бир неча ойгача) бўлиши мумкин. Бунда муаммони ҳал этишнинг ҳар бир босқичида ўқувчилар фаолиятини тўғри ташкиллаштириш, ҳар бир силжишларни баҳолаб бориш, керак бўлганда ёрдам бериш катта аҳамиятга эга бўлади.

Компьютер телекоммуникацияларидан унумли фойдаланиш учун ўқитувчидан қуйидагилар талаб этилади:

- энг қизиқ ва амалий жиҳатдан муҳим лойихалар мавзусини танлай олиш;

- илмий тадқиқот ишларининг усулларини билиш ва ўқувчиларнинг мустақил тадқиқот фаолиятини ташкил этиш;

- коммуникатив маҳоратга эга бўлиш, мунозарани ташкил эта олиш ва олиб бориш, янги ғояларни таклиф этиш, ўқувчиларни қўйилган муаммони ечиш йўллариини излашга ундаш;

- халқаро лойиха бўлса ҳамроҳларнинг тилини билиш, улар яшаётган мамлакат ҳақида старли билимга эга бўлиш;

- компьютер саводхонлигига эга бўлиш (текст муҳаррири, телекоммуникацион технологиялар, маълумотлар базаси, принтердан фойдалана олиш).

2.3. Янги педагогик технологияларда назорат

Янги педагогик технологияларда ўқитиш мақсадлари тўғрисидаги масала ўқув мақсадига эришиш даражасини аниқлаш муаммоси билан боғлиқ. Бу масалани ҳал этиш учун таълим жараёнида назоратни ташкил қилиш керак. Назорат таълим жараёнини бошқариш учун ҳам зарурдир. Унинг ёрдамида ўқувчиларнинг бошланғич билим даражаси ва ўқитиш давомида билими ўзгариши ҳақидаги маълумотларга эга бўламиз. Яъни муттасил тескари алоқа ўрнатган ҳолда, таълим жараёнида ўқитувчилар ва ўқувчилар фаолиятини бошқариш, керакли тузатишлар, ўзгартиришлар, кирита олиш имконига эга бўламиз.

Мақсадга эришиш жараёнида назорат қуйидаги босқичларда керак:

- ўқувчиларнинг бошланғич билим даражасини аниқлаш орқали уларнинг ўқув дастурини бажаришга нақадар тайёр эканлиги аниқлангач, таълим жараёнининг бошланғич босқичларида билимдаги камчиликларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар қабул қилинади (кўшимча дарслар, консультациялар ва ҳ.).

- ўқув жараёни давомида жорий назорат ёрдамида ўқувчиларнинг билиш фаолияти бошқарилади, керак бўлган ўзгаришлар (кучлироқ гуруҳларда билишнинг юқорироқ даражасига ўтиш, хатолар сабабини ўрганиш ва ҳ.) киритилади.

Шундай қилиб, жорий назорат жорий боқарув билан чамбарчас боғланган, самарали бошқариш учун даврий жорий назорат зарур.

- оралиқ ва якуний назорат (йил, семестр охиридаги имтиҳонлар) таълимнинг маълум бир давридаги мақсадларга эришилганини аниқлаш учун ўтказилади.

Назорат нафақат таълимий, бошқарув балки тарбиявий характерга ҳам эга бўлиши керак. Илмий жиҳатдан асосланган назорат ўқувчиларнинг ўқиш фаоллигини жонлантиради, ўқув жараёнидаги камчиликларни, билимларидаги етишмовчиликларни аниқлаб, уларни тузатиш йўллари кўрсатади. Назорат хотира ва тафаккурнинг ривожланишига, иродани тарбиялашга, мунтазам меҳнат қилишга ва ўз - ўзини бошқаришга ўргатади.

Шу билан бирга, педагогик жиҳатдан нотўғри ўтказилаётган назорат ўқувчиларда салбий сифатларнинг шаклланишига, ўз кучига ишончнинг йўқолишига олиб келади.

Назоратни ташкил этиш учун қатор масалаларни ҳал этиш керак. Биринчидан, назорат мазмунини аниқлаш. Энг олдин, биз нимани назорат қилишимизни аниқ билишимиз керак, сўнгра назоратни қандай амалга оширамиз деган савол билан шуғулланамиз.

Назорат топшириқларини тузишдан олдин уни режалаштириш керак. Бунинг учун назорат топшириқлари сони белгиланади ва жадвалда назорат қилинадиган мазмунинг мазмуни ёзилиб, улар бўйича қайси ўқув мақсадлари (Б.Блум ёки В.Беспалько даражалари бўйича) текширилишига нечта топшириқ берилиши кўрсатилади. Назорат мазмунини аниқлашда ўқитилаётган фаннинг Давлат таълим стандартлари, тармоқ таълим стандартлари, ўқув дастурига асосланиш керак. Қуйида академик лицейларда физикадан «Электродинамика» мавзуси бўйича якуний назоратни тест усулида ўтказиш режаси келтирилган (8-жадвал).

8-жадвал. «Электродинамика» мавзуси бўйича якуний назорат режаси.

Урганилган мавзу	Ўқув мақсадлари (Б.Блум бўйича)				жами
	Асосий тушунчаларни билиш	Асосий қонунларни билиш	Қонунларни ишлата билиш	Берилганларни таҳлил қилиш	
Электр заряди	2	2	2	-	6
Электр мадони	4	4	4	1	13
Ўзгармас электр токи қонунлари	5	6	6	2	19
Магнит майдони	3	4	4	1	12
Жами	14	16	16	4	50

Режа тузилгач ўқув мақсадлари қай тарзда ўзлаштирилганлигини аниқлаш имконини берувчи топшириқларни танлашга ўтиш керак. Бунда биз назоратни

ташқил этишнинг иккинчи масаласи яъни, назорат валидлиги масаласига дуч келамиз.

Назорат валидлиги назорат топшириқларининг ўқув мақсадларини текширишга мослигини аниқлатади. Назорат валидлигига эришиш учун ўқувчининг текширилаётган мавзу бўйича ўзлаштириш даражасини аниқлайдиган топшириқларни бериш зарур. Қуйида турлича ўзлаштириш даражасига оид тест топшириқларини ишлаб чиқишга (ўқув материалининг факат бир элементи)га) мисол келтирамиз.

9-жадвал «Доира майдони» мавзуси бўйича турлича ўзлаштириш даражасига оид тест топшириқларини ишлаб чиқиш.

№	Ўзлаш тириш даражаси	Таърифи	Тест топшириғига мисол	эслатма
1	Билиб олиш даражаси	Ўқувчилик фаолияти даражаси объектлар, жараёнлар ёки ҳаракатлар тўғрисидаги илгари ўзлаштирилган ахборотни такрор идрок қилиш, ундан тўғри фойдаланишни нотўғрисидадан фарқ қилиш. Танишиш, билиб олиш даражасидаги билимлар	Доира майдони А) $2\pi R$ В) $2\pi R^2$ С) πR^2 Д) $\pi R^2/2$ Е) $\pi R^2/4$	Фикрлаш, операциялар сони-1 (тўғри формулани билиб олиш). Нотўғри жавоблар тўғрисидаги формулалар ўхшаш бўлиши керак. Шунинг учун, уларнинг ҳаммасида π бўлади
2	Репродуктив даража	Ўқувчининг янги ахборот яратишни талаб қилмайдиган илгари ўзлаштириб олинган ҳаракатлар, қондалар, усуллар, алгоритмни турли - туман стандарт шароитларда хотирлаб, мустақил жавоб бериш талаб этилади. Текшириладиган билимлар билим -	$R=2$ радиусли доира майдони А) 6.16 В) 8.96 С) 10.76 Д) 12.50 Е) 14.26	Тафаккур, операциялар сони-4 1) πR^2 формуласи эслансин 2) $\pi=3,14$ сон киймати эслансин. 3) $R=2$ радиус квадратга кўтаринсин $R^2=2^2=4$

		нусхалар характерига, тафаккур фаолияти алгоритмик характерга эга.		4) $S=12.56$ доира майдони аниқлансин; (демак тўғри жавоб D)
3	унумли (продуктив) даража	Ўқувчи типовой бўлмаган вазифани ечиш ва субъектив янги ахборот олиш учун ўзлаштирилган билимларни мустақил такрорлаш қобилиятига эга. Бу тайёр нусха ёки қоида бўйича эмас, балки ҳаракат жараёнининг ўзида яратилган ёки ўзгартирилган эвристик фаолиятдир. Масалан, маълум умумий усул бўйича аниқ вазифани ҳал қилиш ёки аниқ лойихани бажариш, масала шароитларига мустақил мослашиш йўли билан бажарилади. Буни умумий кўринишдагина ҳал этиш мумкин. Бу ҳолда билимлар билим - кўникма характерига эга бўлади.	$R_1=4$ қатга радиусли ҳалқа майдони-нинг $R_2=2$ радиусли ички доира майдонига нисбати A) 2:1 B) 3:1 C) 4:1 D) 6:1 E) 8:1	Масалани ҳал қилишнинг бир неча вариантлари бор. Тафаккурли, операциялар сони-6 та 1) Доира майдонларининг нисбати тўғрисидаги теорема эслансин (доира майдонларининг нисбати, радиуслари квадратларининг нисбати каби бўлади) 2) $R_1^2=4^2=16$ 3) $R_2^2=2^2=4$ 4) Катта доиранинг майдонидан кичигиники айрилади $16-4=12$ 5) Ҳалқа майдонининг кичик доира майдонига нисбати топилсин $12:4=3:1$ 6) Олинган нисбатни таклиф қилинган жавоблар билан таққослаш ва тўғри жавобни аниқлаш. Тўғри

			жавоб В.
4	Ижодий даража	Агар, масалага фаолият максуди фақат умумий шаклдагина мавжуд бўлса, даъво бўйича эса максудга олиб келадиган тегишли шароит (вазият) ва ҳаракатлар бўлса, бу ижодий типнинг умумий таъсири ҳисобланиб, натижада объектив янги ахборот топилади. Одам «қоидаларсиз» ҳаракат қилади, бироқ унга маълум соҳаларда янги ҳаракат қоидаларини яратади.	Ижодий даражадаги топшириқ учун жавоблари танлаб олинган тест топширигини тузиш мумкин эмас, чунки тўғри жавоб номаълум бўлади. Масала таклиф қилинади.

Янги педагогик технологияларда билимларни назорат қилиш муаммоси педагогик тестлар билан боғлиқдир.

«Тест» инглизча сўз бўлиб ўзбекча «синов» маъносини англатади. Педагогик тест ўқув фани ёки унинг бўлимини мақсадлари ва мазмунига ёки ўқувчиларнинг бошқа жиҳатларига баҳо бериш имконини берадиган қисқа ўзаро боғланган ўқув топшириқларининг йиғиндисидан иборат. Аксарият тест топшириқлари савол ва эҳтимол тугилган жавоблардан иборат бўлиб, бу жавоблардан бири тўғри, қолганлари эса нотўғри, бироқ тўғрига ўхшайдиган бўлади.

Билимларни назорат қилишнинг анъанавий тизими ва аввало билетлар бўйича имтиҳонлар ўтказишнинг камчиликлари қуйидагилардир:

- имтиҳонда ўқувчи имтиҳон билетининг 3 - 4 саволига жавоб беради, баҳо эса бутун фанни эгаллаш бўйича қўйилади;
- ўқувчиларнинг билимини баҳолашда субъективликка йўл қўйилади;
- ўқувчилардан оғзаки сўровларда ва ёзма назорат ишларда уларнинг билимини текширишга ўқитувчиларнинг кўп вақти сарф бўлади, бу эа жорий назоратнинг номунтазам ўтказилишига сабаб бўлади;

- билимларни назорат қилишда ЭХМ нинг қўллаш қийин бўлади;

Тестлар ёрдамида назорат қилишда бу камчиликларнинг кўп қисми бартараф қилинади. Умуман олганда тест усули кўпроқ технологик ҳисобланади. у, билимларни назорат қилишда ўзлаштириш сифатини, ўқитувчилар иш унумдорлигини оширади. Педагогик тестларни афзалликлари:

- тест ўқув фанининг бутун асосий мазмунини камраб олиши мумкин;
- ҳамма ўқувчилар тестнинг бир хил саволларига жавоб берадилар, бу эса уларнинг билимини таққослашга имкон беради;
- ўқувчилар билимига объектив баҳо бериш мезони ошади;
- ўқитувчилар ўқувчилар билимини назорат қилишга камроқ вақт сарфлайди;
- ҳар қандай вақт оралиғида билимлар ҳажмини ўлчаш имконияти яратилади;
- тест назорати ЭХМ қўллаб автоматлаштиришга қулай.

Педагогик тестларнинг камчиликлари ҳам мавжуд. Улардан бири - ўқувчини жавобларини мустақил (оғзаки ёки ёзма) таърифлаш имкониятидан маҳрум қилади. Бунда ўқувчининг психологик фаолияти эркин жавобдагидек бўлмайди, тестда қўйилган саволларга жавобларида ўқувчи ўз билимдонлиги ва шахсига хос хусусиятларини намоён қила олмайди. Шунинг учун, кейинги пайтларда тестлар вақтида ўқувчилардан баъзи бир саволларга жавобларни ёзма ҳолда топширишни талаб қилишади.

Тест топшириқларининг айримлари қуйида келтирилган:

1. Бирдан бир тўғри жавоби бўлган ёпиқ топшириқлар;
2. Бир неча ахтимол тутилган тўғри жавоблари бўлган ёпиқ топшириқлар;
3. Битта сўз (ёки сўзлар) тушириб қолдирилган гапдан ташкил топган очиқ топшириқлар;
4. Ўзаро боғланишни (мувофиқликни) аниқлаш учун топшириқлар;
5. Тўғри изчилликни аниқлаш учун топшириқлар (уларни бажаришда бетартиб ҳолдаги сўзлардан гап тузиш зарур);

6. Масалаларни ечишга қаратилган топшириқлар (математика, физика, кимё);
7. Чизмалар ва схемаларни тушунишга қаратилган топшириқлар;
8. Синонимлар ва антонимларни фарқлашга топшириқлар;
9. Ўхшашликка оид топшириқлар.

Ўқув юртларининг таълим жараёнида ёпиқ тестлар, очик тестлар, мувофиқликни аниқлаш учун тестлар ва тўғри изчилликни аниқлаш учун тестлар энг кўп қўлланилади.

Очиқ тест топшириғида ўқувчи эркин жавоб бера олиши мумкин. Мисол: Битта сўз (ёки бир неча сўзлар) тушириб қолдирилган ва жавобларнинг вариантлари таклиф қилинмайдиган тест топшириғига дейлади. Тўғри жавоб: очик тест.

Ёпиқ тест топшириқларида бир неча жавоблар берилади, бу жавоблардан бири тўғри, қолганлари тўғрига ўхшаш, бироқ хато бўлади. Жавоблар сони 2 - 5 та бўлиши мумкин.

Мисол: Инсоннинг касб танлаши кимга боғлиқ?

- А) инсоннинг ўзига
- В) давлатга
- С) касаба уюшмасига
- Д) муассаса, корхонага
- Е) ишга жойлаштириш органларига

Тўғри жавоб: А.

Мувофиқликка тузилган тестлар бир кўп сонлик элементларнинг бошқа кўп сонлик элементларга мувофиқлигини аниқлаш заруриятига асосланган.

Мисол: 1. Билимларни ўзлаштириш сифатини назорат қилувчи тест усулининг камчиликлари.

2. Билимларни ўзлаштириш сифатини назорат қилишнинг анъанавий усулларидаги камчиликлар. Куйидаги жавобларнинг қайси бирида тўғри кўрсатилган?

- А) Баҳолашдаги субъективлик
- В) Имтиҳон олувчининг ўқувчи билан мулоқатда бўла олмаслиги
- В) Назорат саволлари тузишдаги қийинчиликлар
- Г) Баҳолашнинг кўпол шкаласи
- Д) Билимларни назорат қилиш танлаш характериға эға
- Е) Ўқитувчилар вақтининг кўп сарфланиши
- Ж) ЭХМ қўллашнинг қийинлиги
- З) Жавобларни таърифлаш амалиётидаги чекланишлар

Тўғри жавоб: 1 - Б, В, 3

2 - А, Г, Д, Е, Ж

Тўғри изчилликни аниқлаш учун тестларда тартибсиз ёзилган сўزلардан тўғри кетма - кетлик аниқланиши талаб қилинади.

Мисол: тўғри кетма - кетлик аниқлансин: Занжир қисми учун Ом қонуни.

- А. Тўғри пропорционал
- Б. Тесқари пропорционал
- В. қаршилиқ
- Г. кучланиш
- Д. Ток кучи

Тўғри жавоб: 1 - Д, 2 - Г, 3 - А, 4 - В, 5 - Б.

Академик лицейлар ва касб - ҳунар коллежлари ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизимида ўқитиш савияси ва ўзлаштириш даражасининг ДТС га мувофиқлигини таъминлаш учун жорий, оралиқ ва якуний назорат турлари ўтказиш назарда тутилган.

Аммо, назорат турларини қандай шаклларида фойдаланиш масаласи таълим муассасасининг тегишли кафедра (фан уюшмалари)га ва педагогик кенгашга ҳавола этилган. Ушбу масала бўйича қуйидаги маслаҳатларни бермоқчимиз.

Билишнинг I- даражаси (танишув) асосан жорий назоратда текширилади, бунда оғзаки сўров, доскада ишлаш, тарқатма материалга жавоб бериш, қисқа муддатли (15 - 20 минут) фронтал ёки индивидуал назорат ишлари каби шаклларида фойдаланиш мумкин.

Билишнинг II - даражаси (алгоритмик) жорий ва оралиқ назоратда текширилиб ўқитувчи ёрдамсиз стандарт масалаларни ечиш, лаборатория ишларини бажариш, курс ишлари, дидактик ўйинлар, семинарлар, ёзма назорат ишлари, дарсдан ташқари вақтда бажарилган ижодий ишлар каби шаклларида иборат.

Билишнинг III - даражаси (эвристик) асосан билимлар тизими қанчалик шакллантирилгани ва шу боис такрорлашга боғлиқ бўлгани учун асосан семестр охирида олиндиган якуний назоратдан иборат бўлиб, одатда тестлар ёки ёзма ишлар шаклида ўтказилади.

Билишнинг IV - даражаси (ижодий қобилиятни ривожлантириш) – дарсдан ташқари индивидуал ёзма ижодий ишлар, илмий лойихаларни бажариш орқали назорат қилинади.

Оралик назоратлар одатда фаннинг маълум бир қисми, бўлими якунлангандан сўнг ўтказилади ва уларнинг сони ўқув фанига ажратилган соатларга қараб йилига 2 дан 8 тагача белгиланади. Оралик назорат саволларини тузишда турли вариантлардаги топшириқлар бир хил даражада бўлишига (яъни, битта топшириқ соддарок, иккинчиси қийинроқ ва х.) эътибор бериш зарур.

Рейтинг тизимининг олдинги низомларида жорий ва оралик назоратларда етарлича балл тўплаган ўқувчиларнинг якуний назоратни топшириши мажбурий эмас эди. Бу ҳолат назорат сифатининг пасайишига олиб келди. Чунки, якуний назорат олинган билимларни бир тизимга солиш ва мустақамлаш функцияларини бажариб ўқувчиларнинг билиш даражасини юқорига кўтаришига имкон беради. Шунинг учун, якуний назоратни ўтказиш ҳамма ўқувчилар учун мажбурий бўлиши керак.

2.4. Дарсларни педагогик технологиялар асосида ташкил этилиши

Она тилидан ноанъанавий дарсни ташкил этиш.

(СамҚХИ қошидаги лицей - интернат она тили ва адабиёт ўқитувчиси З.У.Усмонова)

Ҳозирги даврда таълим тизими олдида жамият томонидан қўйиладиган ўқитишнинг умумий мақсадлари ўзгарди, шунинг учун ҳам, ўқувчи ва ўқитувчи орасидаги муносабатларни ўзгартиришга педагогик технология асосида ўтиш зарур бўлиб қолмоқда.

Янги педагогик технология ўқувчиларнинг қобилиятини шакллантириш, мустақил ишлашни ривожлантиришни ўқитувчидан талаб қилапти. Она тили ва адабиёт дарсларида ноанъанавий дарс турларига суд дарси, музокара, муҳокама, дебат, саёҳат, спектакл дарси, конференция, мусобақа, аукцион дарслари қиради.

Ўқувчиларнинг мустақил ишлашлари, ижодий қобилиятларини янада ривожлантиришда такрорлаш - умумлаштириш дарслари катта аҳамиятга эга. 10 - синф она тили дарсида «Фонетика ва имло» бўлимларини такрорлаш дарси болаларга бир ҳафта олдин эълон қилинади ва уларга

мавзуга оид топшириқлар; расми тарқатмалар, бошқотирмалар, тестлар ва саволлар тузиш топширилади. Бу топшириқларнинг барчаси болаларнинг мустақил ишлашларини таъминлайди.

Дарсни мусобақа тарзида ўтказамиз. Ўқувчиларни икки гуруҳга ажратамиз. Уларнинг хоҳишига қараб гуруҳларга ном бериш ёки бўлмаса I ва II гуруҳ деб аташ мумкин. Қўрға ташлаб мусобакани қайси гуруҳ биринчи бўлиб бошлашини аниқлаймиз. Бошлайдиган гуруҳ аниқ бўлгач, биринчи шарт бўйича улар ўзларининг саволларини мусобақадош гуруҳга беради.

Ўқитувчи, ўқувчиларнинг бахсини назорат қилиб, уларни бошқариб ва баҳолаб боради. Ўтилган мавзулар бўйича ўқувчиларнинг савол - жавобларидан намуналар келтирамиз.

1. Фонетика сўзининг маъноси, бу бўлимда нималар ўрганилади?

- Бу грекча сўз бўлиб, товуш деган маънони билдиради. Бу бўлимда нутқ товушлари, уларнинг ўзгариши, бўғин, урғу ўрганилади.

2. Овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра товушлар неча хил бўлади ва улар тўғрисида тўлиқ маълумот беринг.

- Икки хил, унли ва ундош товушлар. Унли товушларда ўпқадан чиқаётган ҳаво оғиз бўшлиғида ҳеч қандай тўсиққа учрамайди. Унли товушлар б та; а, о, и, э, у, ў. Унли ҳарфлар 10 та; а, о, и, э, у, ў, ю, я, е, ё.

3. Бўғин деб нимага айтилади, у неча хил бўлади?

- Ўпқадан чиқаётган ҳаво бир зарб билан айтилган товуш ёки товуш бирикмасига бўғин дейилади. Бўғин икки хил бўлади.

а) Очиқ бўғин, фақат унли билан тугаган бўғинга очиқ бўғин дейилади, Масалан, но - ла, ва - зи - фа.

б) Ёпик бўғин, унли товуш билан тугаган бўғинга ёпик бўғин дейилади, Масалан, меҳ - нат - каш, шод - лик.

4. Урғу деб нимага айтилади?

- Сўз бўғинларидан бирини бошқасига нисбатан кучлироқ айтилишига урғу дейилади. Ўзбек тилида урғу асосан сўзнинг охириги бўғинига тушади, Масалан, ки - тоб, мак - таб.

5. Орфографияда нималар ўрганилади?

- Орфографияда имло қоидалари ўрганилади.

6. Орфография нечта мезонга асосланади ва энг таянч мезон қайси?

- Орфография 4 мезонга асосланади; фонетик, морфологик, тарихий, шаклий. Энг асосий таянч мезон, морфологик мезон ҳисобланади.

Иккинчи топширик ёзма иш, яъни ижодий диктант.

Берилган топшириқларни қайси гуруҳ тез ва тўғри бажаришини текшириб кўради.

1 - топширик. Халқ мақолларидан шундайларини топингки унинг сўзларида куйи ундошлар қатнашсин. Мақоллар сони 4 та бўлиши керак. (Каттага ҳурмат, кичикка иззат. Аввал ўйла, кейин сўйла. Етти ўлчаб бир кес. Айрилганни бўри ер)

2 - топширик. Нг бирикмаси қатнашган 4 та сўз ёзинг, бунда нг бирикмасидан олдин унли ҳарф келиши керак. (Бонг, тонг, занг, онг, жанг).

3 - топширик. Тестлар.

Ўқувчилар ўзлари тузиб келган тестлари бўйича бир-бирларини текширадilar. Тестлардан намуналар келтирамиз.

1. Қуйидаги жуфтликларнинг қайси бирида сўз хато ёзилган?

А) чини - чинни В) оталик - оталиқ С) азм - азим Д) синган - синган Е) барчаси тўғри ёзилган.

2. Фонетик мезон асосида ёзилган сўзни белгиланг.

А) этиги В) фикр С) мактабга Д) кетди Е) юрибди.

3. Ёпиқ бўғинлардан бири фақат жарангли ундошлардан ташкил топган сўзни белгиланг.

А) меҳнат В) темир С) ботир Д) мактаб Е) тошлоқ.

4. Қайси қатордаги сўзларда кўшимча кўшилиши билан товуш ўзгариши содир бўлган?

А) қайноқ, мақтов, ўйна В) кўйлақчан, кўклам, ўлгунча С) ширинлик, кўпчилик, боғлам Д) ўлчам, куйла, ўймакор Е) ўлчамли, токча, салобатли

5. 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган ёзув асосидаги ўзбек алифбосида нечта ҳарф бор?

А) 35 ҳарф, 2 белги В) 33 ҳарф, 1 белги С) 32 ҳарф, 1 белги Д) 31 ҳарф, 1 белги Е) 30 ҳарф, 1 белги.

6. Қайси қаторда бўғин кўчириш қоидаси бузилган?

А) телеви - зор, отанг - из, ака - си В) тинчи - моқ, им - тихон, си - нов С) он - ги, матба - а, меш - чан Д) маъ - ни, физкуль - тура, жа - моа Е) мак - таб, ав - лиё, ўйи - ни

Дарсимиз она тили дарси бўлгани учун албатта, доскада ҳам иш олиб борилиши керак. Шу мақсадда тўртинчи топшириқда иккала гуруҳдан икки ўқувчи доскада гуруҳлар

айтган товушларни яъни бир унли ва бир ундош товушни тез, тўғри фонетик таҳлил қилишлари керак.

Учинчи топшириқ. Бунда гуруҳлар ўзлари тайёрлаб келган расми, топшириқли тарқатмаларни бир-бирига тарқатишади. Бу тарқатмаларнинг сони 4 та бўлиши лозим.

Энг охирги топшириқ, бу бошқотирмалар: Ҳар бир гуруҳ ўқувчилари ўтилган бўлимлар асосида 14 саволдан иборат 3 та бошқотирма тузиб, мусобақадошларига тарқатишади. Агар, вақт ортиб қолса олдиндан тайёрланган топшириқларни гуруҳларга берамиз. Албатта, дарс жараёнининг ўтиши ўқувчиларнинг жавобларига боғлиқ. Ниҳоят, дарсни топшириқлар бўйича яқунлаш дарсининг асосий ҳақами ўқитувчига юклатилади. Ўқувчиларнинг билимдонлиги, тарбияланганлиги, чاقқонлиги, топқирлиги, изланувчанлиги, топшириқларни ўз вақтида бажарганлигини изоҳлаб гуруҳларни баҳолаймиз. Балларни тўплаб, гуруҳларга ўрин берамиз.

Юқорида кўрсатилган такрорлаш бўйича ўтказилган мусобақа дарси ўқувчиларнинг фанга қизиқишини янада оширади. Ўқувчиларнинг ўз устида ишлашини, ижод қилишга иштиёқини уйғотар экан.

Энг асосийси ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги муносабат, бир - бирига ҳурмат янада мустаҳкамланар экан.

Физикадан «Ҳамкорликда ўқиш» усули бўйича дарсни ташкил қилиш.

(СамКХИ қошидаги лицей - интернатнинг физика ўқитувчиси Ғ.Хўжаев)

Мавзу: Металларнинг электр ўтказувчанлиги.

Дидактик мақсад, ўқувчиларда металларнинг электрон ўтказувчанлиги ва унинг ўтказгич табиатига, ўлчамларига ҳамда температурасига боғлиқлиги ҳақидаги билимларни умумлаштириб эвристик билиш даражасигача шакллантириш.

Жиҳозлар: ток манбаи, вольтметр, амперметр, реохорд, реостат, калит, 100 Вт қувватли электр лампаси.

Усуллар: 4 кишидан иборат кичик гуруҳларда ишлаш, фронтал суҳбат, намойиш ва гуруҳларда лаборатория тажрибалари, гуруҳларда мустақил масала ечиш ва муҳокама этиш.

1. Такрорлаш. Бундан олдинги дарсларда ўтилган «Ўзгармас ток қонуни» мавзуси бўйича гуруҳларга саволлар:

- 1) Электр токи нима?
- 2) Электр токининг йўналиши сифатида нима қабул қилинган?
- 3) Электр токининг таъсирлари ҳақида нималарни биласиз?
- 4) Ток кучи нимани аниқлайди?
- 5) Ток кучини бошқа катталиклар билан боғлайдиган ифода қандай?
- 6) Ток зичлигининг маъносини тушунтиринг.


Саволлар гуруҳларда муҳокама этилгач, жавобни гуруҳ номидан бир ўқувчи беради. Қолган гуруҳлар бу жавобни тўлдирмоқчи ёки тузатмоқчи бўлса қўшилади.

2. Дарсликдан [28] 80, 81 параграфлардаги материаллардан фойдаланган ҳолда, металлларда электр токи электронларнинг тартибли ҳаракатидан иборат эканлигини тажрибада исботланиши мавзусини ўрганиш бўйича режа доскага ёзилади ва гуруҳларга бўлинади.

- 1) Тажрибанинг мақсади;
- 2) Тажриба амалга оширилган шароитлар;
- 3) Қурилманинг тузилиши;
- 4) Тажрибанинг бориши, унинг қисқача тавсифи;
- 5) Металлларнинг электрон ўтказувчанлигини тажрибада исботланиши;
- 6) Металлар электрон ўтказувчанлиги назариясининг асосий қоидалари.

Ҳар бир гуруҳга муҳокама учун 7 - 10 минут вақт берилади. Сўнгра гуруҳнинг саволи бўйича экспертлари бошқа гуруҳдаги экспертлар билан учрашгач, қайси гуруҳда қандай савол кўпроқ тушунилгани аниқланади. Сўнгра саволлар бўйича энг кучли экспертлар чиқиб, ўзларининг саволларига жавоб беради.

3. Ўқитувчи ўқувчиларнинг хулосаларини умумлаштириб, металллар электрон ўтказувчанлигини тушунтиради ва доскада қуйидаги мантиқий - тизимий схемани чизади.



9-расм. Металлар электрон ўтказувчанлигини тасдиқловчи тажриба.

(Рикке тажрибаси 1901 йил)


Ушбу схема асосида ўқувчилар тез ва аниқ жавоб беришни машқ қилишади.

4. Дарсликнинг §74 ва §75 ларидаги материалларни ўрганиш асосида ҳар бир гуруҳ қуйидаги саволларга жавобларни тайёрлайди (саволлар доскага ёзилади ёки кадоскоп ёрдамида экранда кўрсатилади).

- 1) Ушбу ўтказгич учун қаршилик кучланишга тўғри пропорционал ва ток кучига тесқари пропорционал деб айтиш мумкинми?
- 2) Ўтказгич қаршилиги унинг қандай катталикларига боғлиқ?
- 3) Металлар электрон ўтказувчанлиги асосида уларнинг электр қаршилигини қандай тушунтирса бўлади?
- 4) Металлар электр қаршилигининг ҳароратга боғлиқлиги қандай?
- 5) Қаршиликли термометрларнинг ишлаш қондаларини тушунтиринг.
- 6) Қаршиликли термометр асосида ишлайдиган автоматик назорат ёки бошқариш қурилмаси лойиҳасини беринг.

Ҳар бир гуруҳга муҳокама учун 10 минут вақт берилади. Сўнгра гуруҳ экспертлари учрашувларидан кейин ҳар бир саволга жавоблар бутун гуруҳга тушунтирилади.

- 7) Лаборатория тажрибасини бажариш учун ҳар бир гуруҳга қуйидаги схема бўйича занжир йиғиш топширилади.



10-расм. Тажриба ўтказиладиган занжирнинг схемаси.

Лампанинг ҳар 50 В кучланишдаги ток кучини ўлчанг ва вольт - ампер характеристикасини чизинг. Ҳосил бўлган графикдан фойдаланиб, қуйидаги саволларга жавоб беринг:

- 1) Металл сим учун вольт - ампер характеристика нега эгри чизикдан иборат бўлади?
- 2) Ушбу тажрибада Ом қонунидан четланишнинг сабаби нимадан иборат?

Лаборатория ишининг натижаларини ва саволларга жавобларни дафтарингизга ёзинг.

6. Дарсликнинг 75 параграфини ўқинг ва қуйидаги саволларга жавоб беринг:

- 1) Ўта ўтказувчанлик ҳодисасини ким ва қачон кашф этган?
- 2) Ўта ўтказувчан ҳолатда ўтказгичларнинг хоссаларида қандай ўзгаришлар рўй беради?
- 3) Ўта ўтказгичларни ишлатиш муаммолари ва истиқболлари қандай?

7. Ушбу саволларга жавоблар муҳокама қилинган «Металларнинг электрон ўтказувчанлиги» мавзуси ўқитувчи томонидан умумлаштирилиб тушунтирилади.

8. Ўтилган мавзунини мустақамлаш учун гуруҳларга қуйидаги масалаларни ишлаш таклиф этилади (Беспальконинг билиш даражалари бўйича гуруҳдаги бўш ўқувчилар «Академик лицейлар учун физикадан масалалар тўплами» даги I, II - даражадаги, ўрта ўқувчилар II - III даражадаги, кучли ўқувчилар III - IV даражадаги масалани ечишлари керак ва гуруҳда

муҳокама қилгач, ким биринчи ишлаган бўлса, доскада ишлаб тушунтиради).

Ўқувчилар қийналган масалаларда бир - бирига ёрдам бериши мумкин, баҳоларни ҳам ўзлари чиқаради.

9. Ўқитувчи дарсга яқун ясайди ва баҳоларни эълон қилади.

10. Уйга вазифа: Дарсликдан § 68 - 70 ларни ўқиш, ишланмаган масалаларни ечиш ва дафтарга қуйидаги жадвални чизиб келиш.

10-жадвал. Турли муҳитларнинг электр ўтказувчанлигини таққослаш натижалари

Муҳит	Нима таққосланади					
	Ток ташувчи заррачалар	Эркин зарядларнинг концентрацияси	Қаршиликнинг ҳароратга боғлиқлиги	Вольт-Ампер характеристикаси	Ом қонуни бажарилади ми	Қўл-ланилиши
Металлар						
Ярим ўтказгичлар						
Вакуум						
Электродитлар						
Газлар						

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. - Тошкент: «Шарк», 1999.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломқда. Т.: «Ўзбекистон», 1999.
3. Йўлдошев Ж. Янги педагогик технология: йўналишлари, муаммолари, ечимлари. «Халқ таълими» журнали, 1999, 4-сон.
4. Йўлдошев Ж. Педагогик инновацияларни ҳаётга татбиқ этишининг ташкилий асослари. «Халқ таълими» журнали, 1999, 6-сон.
5. Саидахмедов Н.С. «Маърифат» газетаси (мақолалар), 1998 йил 16 январь, 24 июнь, 1999 йил 17 февраль, 17 март, 19 июнь, 27 октябрь, 2000 йил 1 март.
6. Нишоналиев У., Толипов Ў. Икки шахс фаолияти уйғунлашгандагина таълим-тарбияда кўзланган мақсадга эришилади., «Маърифат» газетаси, 2000 йил 19 апрел.
7. Янги педагогик технологиялар (академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари педагогик ходимларига амалий ёрдам). - Т., 2000.
8. Янги педагогик технология: таҳлил, таъриф, мулоҳазалар. - Т., РТМ, 2000.
9. Беспалько В.П. Теория учебника. - М.: Педагогика, 1988
10. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. - М.: Педагогика, 1989.
11. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. - М., 1995.
12. Кларин М.В. Педагогическая технология. - М., 1989.
13. Кларин М.В., Инновации в мировой педагогике. - Рига, 1995.
14. Селевко Г.К., Современные образовательные технологии. - М., 1999.
15. Полат Е.С. Новые педагогические технологии. - М., 1995.
16. Леонтьев А.А., Педагогическое общение. - М., 1996.
17. Монахов В.М., Технологические основы проектирования и конструирования учебного процесса. - Волгоград. 1995.
18. Пидкасистый П.И., Хайдаров Ж.С., Технология игры в обучении и развитии. - М.: РПА, 1996.
19. Апатова И.Е., Информационные технологии в школьном образовании., М., 1994

20. Роберт Н.В., Современные информационные технологии в образовании: дидактические проблемы, перспективы, использование., М., Школа-пресс, 1994.
21. Чошанов М.А., Гибкая технология проблемно-модульного обучения., М., «Народное образование», 1996.
22. Фарберман Б.Л., Илгор педагогик технологиялар., Т., ОУМММИ, 1993.
23. Юдин В.В., Педагогическая технология. Ярославль, 1997.
24. Robert E., Slavin R, Journal of educational Research, vol.33, No4, 1989.
25. Structucting Cooperative Learning: Lesson plans for Teachers Poger T. Johnson, David W.Johnson and Eduthe Johnson Holubek-InteractionBook Company, 1987.
26. Гальперин П.Я. К проблеме внимания. Доклады АПН РСФСР, 1958, №3.
27. Галызина Н.Ф. Управление процессом усвоения знаний. МГУ, 1975.
28. Фаниев А.Ф. ва бошқалар. Физика I-қисм, Академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун дарслик. Т., Ўқитувчи, 2003 й

ИЛОВА

Ўз – ўзини текшириш учун тестлар.

1. «Технология» сўзининг маъносини кўрсатинг.

А. Талаб, вазифа; В. Метод ёки усул; С. Восита, алоқа; Д. Санъат; Е. Малака, маҳорат.

2. Педагогик технологиянинг мазмуни нима?

А. Ўқувчининг ижодий изланиши ва ўз устида ишлаши; В. Ўқувчининг мустақил билим олиши, билим, малака, кўникмаларни чуқурлаштириш; С. Ўқитувчининг таълим беришда энг қулай усул танлаши, техника воситаларидан фойдаланиш; Д. Ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамкорлигида таълим жараёнини ташкил этиш ва билимларни чуқур ўзлаштириш; Е. Ўқитувчининг педагогик фаолиятида энг замонавий ўқитиш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқитиш самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг билим олиш сифатини яхшилаш, билим даражасини мустаҳкамлаш.

3. Педагогик технологиянинг ривожланиш йўналишларини кўрсатинг.

А. Янги педагогик технология ва илғор технология; В. Ўқитишнинг техник воситалари ва ўқув жараёни технологияси; С. Таълим технологияси ва ўқитиш технологияси; Д. ЭХМ йўналиши ва таълимни компьютерлаштириш; Е. Ўқув жараёнини лойihalаш ва педагогик технология.

4. «Янги педагогик технология»ларнинг асоси нималардан иборат?

А. Ўқиш, ўқитиш, тарбия; В. Ўқув фаолияти, мотивация таълимни бошқариш; С. Ўқув фаолияти, кўникма ва малакалар, тарбия; Д. Таълим жараёни, ўқувчи, ўқитувчи; Е. Таълимни бошқариш, мақсад, ўқитиш усуллари.

5. «Янги педагогик технология»да ўқитувчи қўлайдиган ўқитиш усуллари аниқланг?

А. Рейтинг тизимида ўқитиш, тест технологияси; В. Замонавий техник воситалар; С. Сухбат, маъруза, тушунтириш усуллари; Д. Ишнинг ноанъанавий шакллари; Е. Жавобларнинг барчаси тўғри.

6. «Педагогик технология»нинг таълимий мақсадини аниқланг?

А. Ўқувчи шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишдан иборат; В. Таълимда ўқувчи фаолиятини ривожлантиришдан иборат; С. Ўқитувчининг ўқув ва дарс

мақсадига эришишидан иборат; Д. Баркамол шахсни ҳар томонлама тарбиялашдан иборат; Е. Ўқитиш самарадорлигини ошириш ва сифатини яхшилашдан иборат.

7. Педагогик технология даражаларини кўрсатинг.

А. Бошланғич даража; В. Алгоритмик даража; С. Якуний даража; Д. Эвристик ва ижодий даража; Е. А, В ва С жавоблар тўғри.

8. Педагогик технология тамойилларини кўрсатинг.

А. Якуний натижа, таълимнинг махсулдорлиги, тескари алоқанинг мавжудлиги, таълим мақсадининг аниқ қўйилганлиги; В. Якуний натижа, ўқитувчи фаолияти, таълим самараси, ўқитиш сифати; С. таълим мақсадининг аниқлиги, ўқувчи шахсини ривожлантириш, ЭХМ технологиясидан фойдаланиш; Д. Ижодий изланиш, тескари алоқа мавжудлиги, ўқув фаолияти, ўқитувчи фаолияти; Е. Фақат В ва Д жавоблар тўғри.

9. «Янги педагогик технология» таркибига қирадиган технология йўналишлари қайси жавобда тўғри берилган?

А. Шахсни шакллантириш жараёни; В. Педагогик технология; С. Эвристик технология; Д. Тарбия технологияси; Е. А, В, С ва Д жавоблар тўри

10. «Эвристик технология» нинг мазмунини аниқланг?

А. Муаммоли, ривожлантирувчи таълим усули; В. Вазиятларни таҳлил қилувчи топшириқлар усули; С. Мустақил ва ижодий ишлар методи; Е. Жавобларнинг барчаси тўғри.

11. «Педагогик технология»нинг моҳиятни кўрсатиб беринг.

А. Таълим жараёнида мақсадга эришиш, лойihalаштириш, мустақил ва эркин таълимга ўтиш; В. Таълимни лойihalаштириш, ўқитувчи ва ўқувчи муносабатини такомиллаштириш; С. Таълимда эркин вазиятни вужудга келтириш, мустақил таълимни ривожлантириш, рейтинг тизимини такомиллаштириш; Д. Техник воситалардан фойдаланиш, ўқувчи ва ўқитувчи ҳамкорлиги; Е. Таълим жараёнини эркинлаштириш, ўқитувчи ва ўқувчи муносабатини такомиллаштириш.

12. Таълим технологиясининг кўринишларини аниқланг.

А. Педагогик технология, таълим технологияси, модуллашган технология, ўқитиш технологияси, педагогик неология, педагогик проксология; В. Педагогик технология, модуллашган технология, педагогик аксиология, педагогик неология, педагогик проксология; С. Педагогик технология, педагогик аксиология, педагогик неология, педагогик проксология, таълим

технологияси, ахборотли технология; Д. Педагогик технология, модуллашган технология, таълим технологияси, янги технология; Е. А, В ва Д жавоблар тўғри.

13. Педагогик технологиянинг ташкил этувчи боскичларини аниқланг.

А. Аналитик, синтетик, инновацион, концептуал, техник; В. Мақсадли, аналитик, синтетик, лексикологик, компонентли, таълимли; С. Аналитик, концептуал, мақсадли, мазмунли, жараёнли, педагогик менежмент; Д. Инновацион, концептуал, техник, лексикологик; Е. Мазмунли, жараёнли, таълимли, компонентли.

14. Педагогик технология мониторингини кўрсатинг.

А. Баҳо қўйиш, ўқитиш, таълим - тарбия, ўзлаштириш, қайта ишлаш, билимларни чуқурлаштириш; В. Ўрганиш, эсда сақлаш, тушуниб етиш, тахлил қила олиш, татбиқ эта билиш, синтез, баҳо олиш, янги билимга ўтиш; С. Янги билим бериш, эркин таълим, ижод қилиш, ўрганиш, эсда сақлаш, тахлил эта билиш, баҳо олиш; Д. Тахлил қилиш, баҳо олиш, янги билимларни ўзлаштириш ва чуқурлаштириш; Е. Ўқиш, ўрганиш, қайта ишлаш, амалда қўллаш.

15. «Янги педагогик технология» жараёнларининг даражалари қайси жавобда тўғри берилган?

А. Бошланғич, намунали, эвристик, яратувчанлик, мустақиллик; В. Алгоритмик, эвристик, ижодий, бошланғич; С. Эвристик, алгоритмик, эркинлик, такомиллашган, бошланғич; Д. Ташкилотчилик, яратувчанлик, мустақиллик, ижодкорлик; Е. Тадбиркорлик, алгоритмик, эвристик, намунали.

16. «Таълим технологияси» сўзининг мазмунини аниқланг?

А. Таълим мақсадига эришиш курали ва воситаси; В. Таълимдаги санъат ва маҳоратни юксалтириш; С. Таълим усуллари ва воситалари; Д. Ўқитиш турлари ва назорат шакллари; Е. Назорат турлари ва сўров шакллари.

17. «Педагогик технология»да ўқувчининг таълим жараёни қандай тузилади?

А. Сухбат, ҳикоя, маъруза, якка тартибда ўқиш, компьютерлаштириш, амалиёт билан боғлаш, мулоқотни чуқурлаштириш, эътиқодни шакллантириш; В. Маъруза, мустақил ўқиш, аудио - видео техника асосида ўқиш, кўргазмали намойишлар орқали ўқитиш, амалиёт билан боғлаш, баҳс - мунозара, сухбат, якка тартибда мустақил ишлаш; С. Назарий, амалий, якка тартибда, аудио - видео орқали ўқитиш,

бахс - мунозара, суҳбат, эркин, мустақил ишлаш; Д. Хикоя, суҳбат, ўзлаштирган билимларни чуқурлаштириш, мустақил ўқиш; Е. Якка тартибда ишлаш, бахс - мунозара, техник воситалар асосида ўқитиш, амалиёт, назариёт.

18. «Янги педагогик технология» тамойилларини кўрсатиб беринг.

А. Белгиланган якуний натижа, олинган билимларни қайта ишлаш, якка тартибда чуқур ўзлаштириш, таълим мақсадига эришиш; В. Кафолатланган якуний натижа, таълимнинг самарадорлиги, қайтувчан алоқанинг мавжудлиги, таълим мақсадининг аниқ шаклланганлиги; С. Қайтувчан алоқанинг мавжудлиги, ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятининг уйғунлиги, таълим мақсадининг аниқлиги, чуқур ўзлаштиришнинг борлиги, якуний натижалар; Д. Ўзлаштирилган билимларни қайта ишлаш, якка тартибда чуқур ўрганиш, ўқувчи ва ўқитувчининг ҳамкорлиги, таълим мақсадининг аниқ шаклланганлиги; Е. Якуний натижага эришиш, қайтувчан алоқанинг мавжудлиги, ўзлаштиришнинг такомиллашуви, таълимнинг самарадорлиги.

19. «Педагогик технология» жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари қандай?

А. Фаол, барқарор, беқарор – ижобий; В. Беқарор – ижобий, барқарор – суст, беқарор; С. Беқарор - ижобий, суст - ижобий, барқарор – фаол; Д. Суст – салбий, фаол – ижобий, суст; Е. Барқарор – ижобий, беқарор – салбий.

20. «Педагогик технология» да шахсни ривожлантирувчи таълимнинг ўрни ва мазмуни нималардан иборат?

А. Инкорпорация, яратувчилик, эркинлик, мустақиллик, табиийликни ҳис этиш; В. Мослашганлик, инкорпорация, яратувчанлик, табиийликни ҳис қилиш; С. Табиийликни ҳис қила олишлик, мустақилликка эриша олиш, ўқитувчи билан мулоқат қила олиш, фаолиятни уйғунлаштириш; Д. Ўқитувчи билан ҳамкорлик қилиш, мустақил фикрлай олиш, яратувчанлик; Е. Табиийликни сезиш, мослашганлик, эркинлик, ҳамкорлик, яратувчанлик.

21. «Педагогик технология»ни ишлаб чиқишдаги тахлилий босқичнинг мазмунини кўрсатинг.

А. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Таълим тўғрисида» ги қонулар, кадрлар тайёрлаш миллий модели; В. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қонуни, кадрлар тайёрлаш миллий модели, давлат таълим стандартлари; С. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», давлат таълим стандартлари, «Таълим

тўғрисида» ги қонун; Д. Кадрлар тайёрлаш миллий модели, «Таълим тўғрисида»ги қонун; Е. Давлат таълим стандартлари, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қонуни.

22. «Педагогик технология» да ўқув жараёнларининг тузилишини кўрсатинг.

А. Ўқитиш, бошқариш, билим фаолияти; В. Бошқариш фаолияти, билим фаолияти, мотивация; С. Мотивация, ривожлантириш, мақсадга эришиш фаолияти; Д. Билим даражалари, ўзлаштириш, такомиллаштирув; Е. Ўқиш, ривожланиш, амалий кўникма.

23. «Янги педагогик технология» элементларини кўрсатиб беринг.

А. Ўқув режаси, ўқув дастури, дарсликлар, диагноз қўйиш, тузатиш киритиш, диагностик таҳлил, рейтинг; В. Диагностик таҳлил, ўқув бирликлари (мезонларини) аниқлаш, диагноз қўйиш, тузатиш киритиш ёки коррекция, рейтинг, қайта тўлдириш, натижа; С. Натижа, кузатиш, мақсадни белгилаш, таълимни такомиллаштириш, тузатиш киритиш, натижа кўрсатиш, рейтингни амалга ошириш; Д. Диагноз қўйиш, тузатиш киритиш ёки коррекция, қайта тўлдириш, якуний натижа, дарсликлар, ўқув - услубий қўлланмалар; Е. Мақсадни белгилаш, таълимни такомиллаштириш, тузатиш киритиш, натижа кўрсатиш, ўқув режалар, ўқув дастурлар.

24. Рейтинг тизимида қайси сўров турларини қайта топшириш мумкин?

А. Жорий, оралик, якуний; В. Оралик, якуний; С. Якуний, жорий; Д. Жорий, оралик; Е. В, С ва Д жавоблар тўғри.

25. Ўқув семестри давомида неча марта оралик назорат ўтказиш тавсия қилинади?

А. Бир марта; В. Икки марта; С. Уч марта; Д. Икки ёки тўрт марта; Е. Хоҳлаганча.

26. Давлат таълим стандартларини бажариш қандай таълим муассасалари учун мажбурий ҳисоблади?

А. Олий ўқув юртлари; В. Ўрта махсус, касб - ҳунар таълими муассасалари; С. Умумтаълим мактаблари; Д. Мактабгача таълим муассасалари; Е. Барча жавоблар тўғри.

27. Ўрта махсус, касб - ҳунар таълими муассасалари учун ўқув режасини ким тасдиқлайди?

А. Халқ таълими вазирлиги; В. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги; С. Ўрта махсус, касб - ҳунар таълим Маркази ва

соҳа вазирликлари; Д. Соҳа вазирликлари; Е. Вилоят ўрта махсус, касб - ҳунар таълими бошқармалари.

28. Миллий дастур бўйича кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш нимага қаратилган?

А. Мутахассисларнинг касбий билимлари, кўникмаларини янгилаш ва чуқурлаштириш; В. Мутахассисларнинг билим ва қобилиятларини ривожлантириш; С. Мутахассисларнинг билимларини кенгайтириш, малакаларини ривожлантириш; Д. Ихтисослик бўйича билимларини такомиллаштириш; Е. Янги технологиялар асосида билимларини кенгайтириш.

29. «Таълим технологияси» тушунчасини изоҳлаган жавобни кўрсатинг.

А. Ўқувчига билим, тушунча беришнинг қонун - қоидалар йиғиндиси В. Таълим мақсадига эришиш қуроли, яъни олдиндан лойihalаштирилган таълим жараёнининг яхлит тизим асосида босқичма - босқич амалиётга жорий этиш; С. Таълим - тарбияни юқори даражага кўтариш; Д. Таълимни янги технологиялар асосида ташкил этиш; Е. Тарбияни илғор педагогик технологиялар асосида ташкил этиш.

30. Педагогик технологиянинг тамойилларини берилган жавоблардан кўрсатинг.

А. Инкорпорация, мослашганлик, яратувчанлик; В. Кафолатланган яқуний натижа, таълимнинг самарадорлиги, қайтувчан алоқанинг мавжудлиги, таълим мақсадининг аниқ шаклланганлиги; С. Аналитик, концептуал, мазмунли ва жараёنли таълим; Д. Намунавий ўқув жараёни, рейтинг тизими, ижобий натижа; Е. Давлат стандартлари асосида таълим жараёнини ташкил этиш, такомиллаштириш, таълим самарадорлиги.

31. Педагогик технологиянинг қандай даражалари мавжуд?

А. Барқарор, ижобий, суғ; В. Дастлабки, алгоритмик, ижобий, эвристик; С. Бошланғич, алгоритмик, ижобий, эвристик; Д. Беқарор, фаол, такомиллашган; Е. Мақсадли, барқарор, фаол.

32. Давлат таълим стандартлари деганда нимани тушунасан?

А. Таълим мазмунининг шакллари, воситалари, усуллари сифатини баҳолаш тартибини белгилайди; В. Таълим соҳаларини меъёрлашга ҳамда таълим муассасасининг молиявий таъминотини белгилашга асос бўладиган давлат ҳужжати; С. Таълим мазмунини аниқлашга асос бўлади; Д. Таълим - тарбия шароитини аниқлайди; Е. Тарбия мазмунини яратишга асос бўлади.

33. Ўқувчилар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими мақсади жавобларнинг қайси бирида тўғри берилган?

А. Ўқувчи шахсининг сифат кўрсаткичини аниқлайдиган сонли кўрсаткич; В. Ўқувчиларни доимий баҳолаш ва олган баҳоларини таққослаб бориш; С. Ўқувчиларда ўқишга интилиш ва ўзаро беллашишга имконият яратиш, баркамол шахс сифатида тарбиялаш; Д. Мукамал билим олиш, ўзлаштирган билимларини чуқурлаштириш; Е. В ва Д жавоблар тўғри.

34. «Педагогик технология»да инновация тушунчасининг изоҳи қайси жавобда берилган?

А. Янгилик, ислоҳ, қайта қуриш; В. Ислоҳ, янгилик, туб ўзгариш; С. Янгилик, такомиллашув, ислоҳ; Д. Туб ўзгартириш, янгилик, ривожлантириш; Е. Қайта ўзгартириш, ислоҳ қилиш, янгилик киритиш.

35. Педагогик технология сўзининг ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган таърифида асосий таянч ибора қандай ифодаланади?

А. Педагогик технология, янги технология; В. Педагогик маҳорат, илғор тажриба; С. Тизимли метод, педагогик тизим; Д. Педагогик жараён, ўқув - тарбия иши; Е. Билим, кўникма, малакаларни ўзлаштириш.

36. Педагогик технология сўзининг академик Беспалько томонидан берилган таърифида асосий таянч ибора қандай ифодаланади?

А. Илғор технология, педагогик технология; В. Педагогик маҳорат, илғор тажриба; С. Педагогик йўналиш, тизимли метод; Д. Маънавий - маърифий ишлар, педагогик жараён; Е. Билим, кўникма, малакаларни ўзлаштириш даражаси.

37. Педагогик технологияларнинг «Янгилик» муддати тахминан неча йил ҳисобланади?

А. 3 - 5; В. 30 - 40; С. 20 - 25; Д. 5 - 10; Е. 50.

38. Янги педагогик технологиялар қандай меъёрий ҳужжатлар орқали Ўзбекистонга кириб келди?

А. «Таълим тўғрисида»ги қонун; В. «Соғлом авлод» дастури; С. Ўқув режалари, дастурлар; Д. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»; Е. Жавобларнинг барчаси тўғри.

39. Янги педагогик технологияларда таълим муассасасининг диагностик мақсади нима?

А. Умумтаълим фанларини ўқитиш; В. Умумкасбий ва махсус фанларни ўқитиш; С. Давлат буюртмаси – малакали мутахассис

тайёрлаш; Д. Барча фанларни ўқитиш; Е. Жавобларнинг барчаси тўғри.

40. Янги педагогик технологияларда факультет ва кафедранинг диагностика мақсади нима?

А. Умумтаълим ва касбга йўналтирувчи фанларини ўқитиш; В. Умумкасбий ва махсус фанларни ўқитиш; С. Давлат буюртмаси асосида малакали мутахассис тайёрлаш; Д. Ўқув режада белгиланган барча фанларни ўқитиш; Е. Жавобларнинг барчаси тўғри.

41. «Тест» сўзининг маъноси нима?

А. Грекча «баҳолаш»; В. Лотинча «синайман»; С. Инглизча «синов»; Д. Русча «назорат»; Е. Жавобларнинг барчаси тўғри.

42. Тестларда тўғри жавоб нима дейилади?

А. Калит; В. Тўғри жавоблар; С. Ҳақиқий жавоб; Д. Эталон жавоб; Е. Тарози ёки барчаси тўғри.

43. «Рейтинг» сўзининг маъноси нимани англатади?

А. Грекча «баҳолаш»; В. Инглизча «кўрсаткич»; С. Италияча «синайман»; Д. Лотинча «назорат»; Е. Русча «синов».

44. «Рейтинг» баҳолаш тизими жараёнининг асосий мазмунини англатадиган таянч ибора нима?

А. Жорий назорат; В. Педагогик назорат; С. Оралиқ назорат; Д. Якуний назорат; Е. Назорат босқичлари.

45. Янги педагогик технологияларнинг тузилиши, мазмуни қайси асосий ҳужжатларда ифодаланган?

А. Давлат фармонлари, қарорлари, қонунлари; В. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури; С. Ўқув – методик мажмуа; Д. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг тезкор ҳужжатлари; Е. Вазирлик кўрсатмалари.

46. Ўқувчи ва ўқитувчи учун янги технологик таълим мазмуни қайси дидактик воситада мукамал ифодаланadi.

А. Дарслик; В. Ўқув режаси; С. Ўқув дастурлари; Д. Услубий қўлланмалар; Е. Услубий тавсия ва йўриқномалар.

47. Тестларнинг ишончлилиги нимани ифодалайди?

А. Ўқув дастури мазмунини белгилаш; В. Ўзлаштириладиган билимларни; С. Қўлланилишнинг мақсадга мувофиқлигини; Д. Баҳолашнинг ҳаққонийлигини; Е. Ўқув режада белгиланган фанлар.

48. Дидактик назорат воситаларининг (тестларнинг) мазмуний мослиги деганда нима тушунилади?

А. Воситаларнинг мазкур гуруҳга мослиги; В. Ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, ўзлаштириш даражаси; С. Дастурли билимлар

- ҳажми; Д. Восита – дастур, гуруҳ – ўқувчи ёши; Е. Жавобларнинг барчаси тўғри.
49. Биринчи даражали тестларга нималар кириди?
А. Таниб олиш; В. Фарқлаш; С. Такқослаш; Д. Сохта; Е. Жавобларнинг барчаси тўғри.
50. Иккинчи даражали тестларга нималар кириди?
А. Ахборотларни эслаш, хотирлаш; В. Ўрнига қўйиш, тузиш; С. 1 - даражали тестлар; Д. Фарқлаш, такқослаш, таниб олиш; Е. Жавобларнинг барчаси тўғри.
51. Учинчи даражали тестларда асосан қандай ўзлаштириш даражаси аниқланади?
А. Билимлар; В. Кўникмалар; С. Малакалар; Д. Касбий маҳорат; Е. Жавобларнинг барчаси тўғри.
52. Тўртинчи даражали тестларда аниқланадиган ўзлаштириш даражаси нима деб аталади?
А. Билим; В. Кўникма; С. Матака; Д. Касбий маҳорат; Е. Ижодкорлик.
53. Янги педагогик технологиялар қандай босқич билан яқунланади?
А. Якуний назорат; В. Давлат имтиҳони; С. Диплом ёки сертификат олиш; Д. Давлат аттестацияси; Е. Жавобларнинг барчаси тўғри.
54. Янги педагогик технологияларда ўқувчилар билимини баҳолашда қандай назорат тизимидан фойдаланилади?
А. 5 – баллик; В. 12 – баллик; С. Кўп баллик; Д. 100 баллик; Е. 1000 баллик.
55. Мультимедиа технологияси нима?
А. Ахборотларни сақлаш, тўплаш, таҳлил қилиш, узатиш; В. Янги ўқув режалари тузиш; С. Таълим ва тарбиянинг янги технологияси; Д. Янги ишлаб чиқариш технологияси; Е. Жавобларнинг барчаси тўғри.
56. «Интернет» тизими қайси таълимда кўпроқ қўлланилади?
А. Янги таълим тизимида; В. Аниқ фанларни ўқитишда; С. Физика, математика, кимё; Д. Информатика, инфорацион технология; Е. Табиий ва ижтимоий.
57. Янги педагогик технологияларнинг ўтмишдаги негизи нима?
А. Эски таълим тизими; В. Таълим - тарбия, педагогика; С. Педагогик илғор тажрибалар; Д. Тестлар, кўп баллик тизим; Е. Жавобларнинг барчаси тўғри.
58. Янги педагогик технологияларда асосий ҳаракатлантирувчи куч нима?

А. Янгилик; В. Мазмун, вазифа; С. Таълим – тарбия; Д. Натижа, махсулот; Е. Восита, ўқитувчи.

59. Ўқитувчи педагогик маҳоратини ифодаланиш даражасига нима дейилади?

А. Хизмат малакаси; В. Хизмат тоифаси; С. Хизмат даражаси, унвони; Д. Илмий даражаси, раъяди; Е. Эгаллаб турган лавозими.

60. Ўқув дастурини тузишда риоя қилинадиган асосий талабларни кўрсатинг.

А. Янгилик, тарихийлик; В. Замонавийлик, изчиллик; С. Мантқийлик, новаторлик; Д. Жозибадорлик, оддийлик; Е. Жавобларнинг барчаси тўғри.

61. Янги педагогик технологияларни амалга оширадиган асосий дидактик воситалар қайси жавобда берилган?

А. Ўқитишнинг техник воситалари, компьютер; В. Ўқув машғулоти, мустақил ишлаш; С. Дарс, назарий, амалий, ишлаб чиқариш; Д. Кўргазмали, таъминот; Е. Жавобларнинг барчаси тўғри.

62. Ўрта махсус, касб - ҳунар таълим муассасасида педагогик жараёни тартибга солиб турувчи асосий ҳужжат нима?

А. Ўқув режа, дастур; В. Тақвим, мавзу, режа; С. Раҳбарият буйруқлари; Д. Тезкор ҳужжатлар, фармонлар; Е. Дарс жадвали.

63. Янги педагогик технологияларни жорий қилишда ҳал қилувчи жараёни кимлар амалга оширади?

А. Ўқувчилар ва ўқитувчилар; В. Ота - оналар ва маҳалла фаоллари; С. Ўқув юрти ва корхона раҳбариятлари; Д. Юқори ташкилотлар; Е. Педагогик жамоа.

64. Энг кўп фойда келтирувчи дарс машғулоти турига нима дейилади?

А. Янги билимларни ўзлаштириш, назария; В. Амалий машғулотлар; С. Такрорлаш, компьютер; Д. Ишлаб чиқариш машғулоти; Е. Диплом олди амалиёти.

65. Педагогик жараён, таълим тизими ва технологияларнинг сифатини аниқловчи Давлат тадбири қандай номланади?

А. Имтиҳон, синов; В. Дарс машғулоти; С. Аттестация; Д. Маҳорат даражаси; Е. Малака тоифасини белгилаш.

66. Янги педагогик технологиялар натижасини белгиловчи жавобни кўрсатинг.

А. Давлат имтиҳони, аттестация; В. Билим, кўникма, малака; С. Синов, мустақил машғулоти; Д. Ўқувчилар ва ўқитувчилар фаоллиги; Е. Жавобларнинг барчаси тўғри.

67. Академик лицейларда ўрганиладиган фанлар қандай гуруҳларга бўлинади?

А. Сиёсий – ижтимоий; В. Табиий, аниқ, иктисодий; С. Умумтаълим, чуқурлаштирилган, махсус; Д. Маънавий - маърифий, ривожлантирувчи; Е. Ижтимоий - иктисодий.

68. Касб - ҳунар коллежларида ўқитиладиган фанлар жавобларнинг қайси бирида тўғри берилган?

А. Ижтимоий - гуманитар, сиёсий; В. Умумтаълим, умумкасбий, махсус; С. Табиий, аниқ, иктисодий; Д. Маънавий ва маърифий; Е. Касбга йўналтирувчи ва ривожлантирувчи.

69. Дарсларда қўлланиладиган техник ўқитиш воситаларига нималар киради?

А. Телевизор ва радио; В. Магнитофон ва компьютер; С. Станок ва ишлаб чиқариш қурилмалари; Д. Кадоскоп, диаскоп ва аудиовизуал воситалар; Е. Жавобларнинг барчаси тўғри.

70. Жорий назоратдаги сўровлар сони нечтадан кам бўлмаслиги мақсадга мувофиқ?

А. 10; В. 6; С. 8; Д. 12; Е. 15.

71. Ўқувчилар билимини назорат қилишнинг тест усулини камчилиги қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Баҳолашдаги субъективизм; В. Ўқитувчининг ўқувчи билан мулоқатда бўла олмаслиги; С. Ўқитувчилар вақтининг кўп сарфланиши; Д. ЭХМ қўллашнинг қийинчилиги; Е. Баҳолашнинг кўпол шкаласи.

72. Ўқувчилар билимларини ўзлаштириш сифатини назорат қилишнинг анъанавий усулларидаги камчиликлар қайси жавобда нотўғри берилган?

А. Баҳолашдаги субъективизм; В. Ўқитувчининг ўқувчи билан мулоқатда бўла олмаслиги; С. Ўқитувчилар вақтининг кўп сарфланиши; Д. ЭХМ қўллашнинг қийинчилиги; Е. Баҳолашнинг кўпол шкаласи.

73. Ўзлаштирилган билимларни ҳар қандай вақт оралиғида ошишига баҳо бериш имконини берадиган сўровнинг шакли?

А. Оғзаки сўров; В. Ёзма иш; С. Тест; Д. Уйга вазифа; Е. Мустақил иш.

74. Қайси рейтинг бали ўқув юртлараро энг яхши ўқувчини аниқлашга имкон беради?

А. Максимал рейтинг бали; В. Реал рейтинг бали; С. Нисбий рейтинг бали; Д. Ҳақиқий рейтинг бали; Е. Минимал рейтинг бали.

75. Тест топшириқларининг энг юкори даражасини кўрсатинг.
А. Репродуктив; В. Билиб олиш; С. Ижодий; Д. Продуктив; Е. Юксак.

76. Билиш соҳасидаги ўқув мақсадларининг тонфалари қайси жавобда тўлиқ кўрсатилган?

А. Билим; тушуниш; қўлланиш, тахлил, синтез, баҳо қўйиш; В. Билим, тушуниш, ижод, қўлланиш, синтез, баҳо қўйиш; С. Билим, интуиция, қўлланиш, тахлил, синтез, баҳо қўйиш; Д. Билим, тушунтириш, истъдод, тахлил, синтез, баҳо қўйиш; Е. Билим, ўзлаштириш, ижодкорлик, такомиллашув, сезиш, кўникмани эгаллаш.

77. Энг кенг тарқалган тест топшириқларини турини кўрсатинг.

А. Очик; В. Ёпик; С. Мувофиқлик; Д. Кетма – кетлик; Е. Жавобларнинг барчаси тўғри.

78. Қайси сўровнинг аниқ ўтказилиш муддатини кўрсатиш кийин?

А. Тест; В. Диктант; С. Оғзаки; Д. Лаборатория иши; Е. Карточка сўрови.

79. Билим сифатини аниқлашда қайси усулнинг муҳимлик даражаси юкори?

А. Оғзаки имтиҳон; В. Ёзма имтиҳон; С. Тест; Д. Бошқотирма; Е. А ва Д жавоблар тўғри.

80. Билиш соҳасида ўқув мақсадларининг Б.Блум таксономияси нечта даражадан иборат?

А. 4; В. 5; С. 6; Д. 7; Е. 8.

81. Педоцентриқ таълимнинг таянч ибораси нимадан иборат?

А. Ривожлантирувчи таълим; В. Догматик таълим; С. Технократик таълим; Д. Миллий таълим; Е. Диний таълим.

82. Педагогик муносабатларни гуманлаштиришга асосланган илғор педагогик технологияларга қуйидагилардан қайси бири киради?

А. Ҳамкорликда ўқиш; В. Шахсни ривожлантиришга қаратилган технологиялар; С. Эркин тарбия технологиялар; Д. Адаптив тарбия технологияси; Е. А - Д жавобларнинг ҳаммаси тўғри.

83. Илғор педагогик технологиялар қайси белгиларга қараб турларга ажралади?

А. Дарсда ўқувчиларни фаоллаштириш; В. Таълим жараёнини самаралироқ ташкил этиш; С. Ўқув мазмунини услубий ўзгартириш; Д. Педагогик муносабатларни гуманлаштириш; Е. А, Д жавобларнинг ҳаммаси.

84. Дарсда ўқувчиларни фаоллаштиришга асосланган илғор педагогик технологияларга қайси бирлари киради?

А. Ўйинлар; В. Муаммоли ўқитиш; С. Таяч белгиларга асосланган ўқитиш; Д. Лойихалар усули; Е. А, Д жавоблар ҳаммаси.

85. Анъанавий таълим жараёни билан гуманистик таълим орасида асосий фарқ нимада?

А. Тайёр билимларни эгаллашда; В. Такрорлашда; С. Шахсга муносабатда; Д. Ахборот технологияларида; Е. А - Д жавоблар орасида тўғриси йўқ.

86. Моделлашган технологиянинг асосий белгиси нимадан иборат?

А. Ахборот тизими; В. Ишчан ўйинлар; С. Компьютер технологияси; Д. Таълим мазмунини тартибга солиш; Е. Ўқувчи фаоллигини ошириш.

87. Таълим жараёни иштирокчилари орасидаги муносабатлар бўйича анъанавий ва илғор педагогик технологиялар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Барқарор – ижобий; В. Суст – ижобий; С. Ишонтириш – диалог; Д. Эркин, қаттиқ интизом; Е. Ал-оритар-гуманистик.

88. Муаммоли вазиятларни ҳосил қилишнинг услубий воситалари келтирилган жавобни кўрсатинг?

А. Ўқув мавзусида зиддиятни кўрсатиш; В. Бир масалага турли нуқтаи назарларни келтириш; С. Зарур маълумотлар етарли бўлмаган ёки ортиқча бўлган масалаларни қўйиш; Д. Ўқувчиларни таққослаш, умумлаштириш, вазиятни таҳлил этишга ундаш; Е. Жавобларнинг барчаси тўғри.

89. Билимларни ўзлаштириш сифатини назорат қилувчи тест усулининг камчилиги қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Баҳолашдаги субъективизм; В. Имтиҳон олувчининг ўқувчи билан мулоқатда бўла олмаслиги; С. Назорат саволлари тузишдаги қийинчиликлар; Д. А, В ва С жавоблар тўғри; Е. В ва С жавоблар тўғри.

90. Билимларни ўзлаштириш сифатларни назорат қилишнинг анъанавий усулларидаги камчиликлар.

А. Баҳолашдаги субъективизм; В. Баҳолашнинг қўпол шкаласи; С. Ўқитувчилар вақтининг кўп сарфланиши; Д. А, В, С Жавоблар тўғри; Е. А, С жавоблар тўғри.

91. Қўллаш даражасига кўра педагогик технологиялар синфи қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Умумпедагогик, монотехнология; В. Умумпедагогик, хусусий фан, модул технологиялари; С. Хусусий фан, модул технологиялар; Д. Бихевиористик, гештальт технология; Е. Материалистик, идеалистик.

92. В.П.Беспалько фикрига кўра таълим жараёнини бошқаришнинг қандай турлари мавжуд?

А. Ёпик, очик; В. Фақат ёпик; С. Фақат очик; Д. Тарқок, йўналтирилган; Е. Тарқок очик.

93. В.П.Беспалько фикри бўйича таълим жараёнида информация беришнинг қандай турлари мавжуд?

А. Ёпик, очик; В. Фақат ёпик; С. Фақат очик; Д. Тарқок, йўналтирилган; Е. Тарқок.

94. Бошқариш механизми турларига кўра таълим жараёни қандай турларга бўлинади?

А. Очик, ёпик; В. Тарқок, йўналтирилган; С. Оддий автоматлаштирилган; Д. Тарқок, очик; Е. Ёпик, оддий.

95. Анъанавий таълим жараёни элементлари қайси жавобда тўла кўрсатилган?

А. Бошқарув - очик, тарқок информацион жараён, оддий бошқариш; В. Бошқарув - очик, йўналтирилган информацион жараён; С. Бошқарув - очик, автоматлашган бошқариш; Д. Бошқарув - очик, тарқок информацион жараён; Е. Йўналтирилган информацион жараён.

96. Компьютерлашган таълим жараёни элементлари қайси жавобда тўла кўрсатилган?

А. Бошқарув - очик, тарқок информацион жараён, бошқариш оддий; В. Бошқарув - очик, информацион жараён тарқок, бошқариш автоматлашган; С. Бошқарув - ёпик, информацион жараён йўналтирилган; Д. Бошқарув - очик; Е. Бошқарув ёпик.

97. Ўқув омиллари яратишга асосланган педагогик технологияда ўқитувчининг ўқувчиларга коммуникатив таъсирларга қандай усуллар киради?

А. Ишонтириш усули; В. Исботли натижаларга асосланиш усули; С. Бевосита ва билвосита таъсир усули; Д. Ўз - ўзини тарбиялаш ва ўзаро таъсир усуллари; Е. Жавобларнинг барчаси тўғри.

98. Компьютерлашган телекоммуникацион технологиялардан фойдаланиш учун нимани билиш керак?

А. Электрон почтадан фойдаланиш; В. 08 ва /У1НВ (Ж8 системаларда ишлай олиш, УОКО редакторини билиш; С. Электрон анжуманларга кириш, унда ўзингизнинг

маълумотларингизни бериш; Д. Интернет тизимидан фойдаланиш; Е. Жавобларнинг барчаси тўғри.

99. Ривожлантирувчи таълим жараёнига мос келувчи услубий воситаларни кўрсатинг.

А. Репродуктив усул; В. Синф - дарс усули ва фронтал усуллар; С. Индивидуал, мустақил фаолият; Д. Изланувчан, тадқиқот усуллари; Е. С ва Д жавоблар.

100. Янги педагогик технологиялардан бўлган «Лойихалар усули» асосида нималар ётади?

А. Ўқувчиларда билиш кўникмаларининг ривожланиши; В. Ўз билимларини мустақил шакллантириш; С. Информациялар маконидан кераклигини топа олиш; Д. Танкидий фикрлаш; Е. Жавобларнинг барчаси тўғри.

МУНДАРИЖА

Кириш..	3
1. Педагогик технологиялар тизими.	5
1.1. Педагогик технология тушунчаси.	5
1.2. Педагогик технологиялар таснифи.	7
1.3. Янги педагогик технологиялар тизими.	15
2. Таълим жараёнида педагогик технологияларни қўллаш.	19
2.1. Ўқув жараёнида педагогик технология асосида ташкиллаштириш.	19
2.2. Таълимнинг интерфаол усуллари.	36
2.3. Янги педагогик технологияларда назорат.	49
2.4. Дарсларни педагогик технологиялар асосида ташкил этиш.	57
Адабиётлар.	65
Илова.	67
Ўз – ўзини текшириш учун тестлар.	67

*24.12.2003 йилда босишга рухсат этилди.
№ 904 буюртма 5,25 босма табоқ,
ҳажми 60x84 1,16. Адади 100 нусха*

*СамДУ Нашр-матбаа маркази босмахонасида чоп этилди.
703004, Самарқанд ш., Университет хийбони, 15.*

1000